ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Самарқанднинг 2750
йиллик юбилейига
бағишланади

М.Қ.Пардаев, Г.М.Шодиева

ОИЛА ХЎЖАЛИГИ ФАРОВОНЛИГИ –

тадбиркорлик ривожи ва янги иш ўринларини ташкил қилишга боғлиқ

САМАРҚАНД - 2007

М.Қ.Пардаев, Г.М.Шодиева. Оила хўжалиги фаровонлиги - тадбиркорлик ривожи ва янги иш ўринларини ташкил қилишга боғлиқ. Услубий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2007.- 48 бет.

Тақризчиар: и.ф.д., профессор И.С.Тўхлиев
И.ф.н., доцент Б.А.Абдукаримоқ
И.ф.д. профессор М.Қ.Пардаевнинг таҳрири остида.

Ишда оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ омиллари ва уларнинг таснифи, тадбиркорликни ривожлантириш орқали фаровонликни ошириш масалалари, оила хўжаликлари фаровонлигини ошириш ва ишсизликни камайтиришга қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантириш орқали эришиш имкониятлари, айнан қишлоқ жойларда оила хўжаликлари фаровонлигини ошириш учун тадбиркорликни ривожлантириш ва ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш масалалари, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг маблағларидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун фойдаланишни такомиллаштириш каби масалалар қараб чиқилган.

Иш оила хўжалиги назарияси ва амалиёти билан шуғулланаётганларга, демак ҳаммага, шунингдек оила фаровонлигини оширишнинг аҳамиятини аҳоли онгига сингдиришга бел боғлаган тарғиботчиларга мўлжалланган. Ундан олий ўқув юртлари талаба ва ўқитувчилари, магистрлар, аспирантлар ва докторантлар, менежерлар, бухгалтерлар, аудиторлар, иқтисодчилар ва бошқа ўз оиласининг фаровонлигига бефарқ бўлмаган кишилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Институт ўқув-услубий кенгашининг 2007 йил 28 мартдаги 8-сон мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия қилинди.

Ўқув-услубий кенгаш
раиси, доцент А.Б.Бектемиров

«Статистика» кафедрасининг 2007 йил 26 март, 8-сон мажлисида кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия қилинган.

Кафедра мудири, профессор М.Қ.Пардаев

© Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти, 2007 й.
© Пардаев М.Қ., Шодиева Г.М. - 2007 й.

1. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ омиллари ва уларнинг таснифи

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши бевосита хусусий мулкдорлар синфининг вужудга келиши ва шаклланиши билан боғлиқ бўлмоқда. Чунки давлат тасарруфидаги мулк хусусийлаштирилди ва бу жараён давом этмоқда, янги яратилаётган хўжалик юритувчи субъектлар эса, асосан хусусий мулк замирида шаклланиб ривож топмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётининг асосини хусусий мулк замирида фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектлари ташкил қилмоқда. Шу туфайли ушбу соҳани ўрганишга бир қанча адабиётлар, илмий мақолалар бағишланган[1]. ЎзР Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами[2] нашр қилинди.

Хусусий мулкка, яъни оилавий тадбиркорликка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шаклида намоён бўлмоқда. Аммо бу соҳани ривожлантириш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бу муаммо Ўзбекистон учун янада мураккаб, чунки мазкур соҳани ривожлантириш учун, биринчидан, замонавий тадбиркорлар синфи шаклланмаган булса, иккинчидан, бу соҳада тегишли даражада тажриба ҳам тўпланмаган, учинчидан эса, энг муҳими, уларни ривожлантириш учун тегишли технология ва молиявий маблағлар ҳам етарли эмас. Буларни инобатга олиб 2006 йилнинг октябр ойидан бошлаб «Ўзэкспо” Марказида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка мос келадиган мини технологиялар ярмаркаси ташкил қилинди. Бу ярмаркадан нафақат шаҳарлик тадбиркорлар, балки қишлоқ жойларда тадбиркорликни амалга оширадиган деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳам кенг миқиёсда фойдаланиши кўзда тутилган. Чунки, ушбу соҳани ривожлантирмасдан туриб, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётни ривожлантириб бўлмайди. Шу боисдан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимизнинг келажагини белгилайдиган асосий соҳалардан бирига айланмоқда. Зеро, бу соҳа янги иш ўринларини очиш билан бирга, истеъмол бозорини товар ва маҳсулотлар билан тўлдиради, турли хизматлар тизимини яратади, мамлакатнинг ЯИМда тегишли улушга эга бўлади. Биргина 2004 йилда «…хусусий тадбиркорликни ривожлантириш

---

[1] Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меѓнат, 2000, Абдуллаев Ё. Бозор иљтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меѓнат, 1997; Отахонов Ф., Эрназаров У. Хусусий тадбиркорлик. Т.: Адолат, 1995; Ғуломос С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: Шарљ, 2002.; Тухлиев Н., Њлмасов А. Ишбилармонлар луѓати. Т.: Љомуслар Бош таѓририяти, 1993.; Хњжаев Э. ва бошљалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Самарљанд, 1997.; Рњзиназаров ва бошљалар. Тадбиркорлик ѓуљуљи. Дарслик. Т.: 2002.; Рњзиназаров Ш. Тадбиркорлик фаолиятини ѓуљуљий тартибга солиш. Т.: ТДЮИ, 2004.; Љурбонов З., Йњлдошев П. Тадбиркорлик фаолиятида бухгалтерия ѓисоби ва аудитининг ѓуљуљий љоидалари. Т.: Адолат, 2002. ва ѓ.к.

[2] оид қонун ҳужжатлари тўплами. Т.: ЎзР Адлия вазирлиги. 1-том.-2002.-680 бет., 2-том – 2003.-702 бет., 3-том. – 2003. -592 бет., 4-том.-2003.-656 бет., 5-том. – 2005.- 432 бет.

ҳисобига 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу 2003 йилга нисбатан 14 % кўп демакдир. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортди ва 2004 йилда 35,6 фоизни ташкил этди»[3]. Ушбу кўрсаткич 2005 йилга келиб 38,2 %га етди[4]. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг сони 2006 йил 1 январ ҳолатига 308,7 мингтани ташкил қилган бўлса, уларнинг 18,4 мингтаси кичик корхоналарни, 290,3 мингтаси микрофирмаларга тўғри келади[5]. Бундай муҳим истиқболли соҳани ривожлантириш учун унинг ҳолатини, ривожланиш йўлларини, унинг тараққиётига тўсиқ бўлаётган омилларни атрофлича ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Биз 2007 йилга келиб кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказиш вазифасини қўймоқдамиз»[6]. Хуллас, 2004-2005 йилларда мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тармоқ кўлами ҳамда ҳажми салмоқли даражада ўсди. Бу тенденция 2006 йилда янада жадаллашди. 2005 йига нисбатан уларнинг сони 15,0 %дан кўпроқ ўсиши кўза тутилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 2004 йилда 263,8 мингга етиб, банд бўлганлар сони 5500 минг кишини ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткичлар 2005 йилда, мос равишда, 308,7 ва 6679,0 ни ташкил қилди. Янги иш ўринларининг кўпайиши, асосан, (80 % дан ортиқ) шу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига тўғри келмоқда (1.-жадвал).

1 - жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари* ҳамда унда банд бўлганлар сонининг 1992-2005 йиллардаги ўзгариши

Йиллар (йил бошида)	Кичик бизнес ва хусусий корхоналари		Кичик бизнес ва хусусий корхоналарда банд бўлганлар	
	Минг-та	Ўтган йилга нисбатан фоизда	Минг киши	Ўтган йилга нисбатан фоизда
1992	52,8	177	3728,4	112,2
1993	74,4	140,9	4661,2	125,0
1994	98,5	132,3	5462,9	117,2
1995	142,0	144,1	6577,4	120,4
1996	171,0	1204	7004,9	106,5
1997	146,7	85,8	3873,7	55,3
1997	146,7	85,8	3873,7	55,3

[3] Каримов И.А. Бизнинг бош маљсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоќ этиш. Т.: Њзбекистон, 2005. – 71 бет.

[4] Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2005. Т.: Ўзбекистон, 2006.-58 бет.

[5] Статическое обозрение Республики Узбекистан за 2005 год - т: Госкомстат Узбекистана 2006 -9 бет

[6] Каримов И.А. Бизнинг бош маљсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоќ этиш. Т.: Њзбекистон, 2005. – 82 бет.

1998	165,6	112,9	3548,3	91,6
1999	159,7	96,4	4152,5	117,0
2000	183,0	114,5	4483,8	108,0
2001	201,9	110,3	4842,5	108,0
2002	240,0	118,9	5212,5	107,6
2003	250,0	104,2	5390,0	103,4
2004	263,8	105,5	5500,0	102,0
2005	308,7	117,0	6679,0	121,4
2005 йилда 1992 йилга нисбатан, %		584,7		179,1

Манба: Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг тегишли йиллар бўйича чоп қилган маълумотлари асосида тузилган.

**** 2003 йилгача кичик ва ўрта бизнес корхоналари деб юритилган.***

Жадвалдан кўриниб турибдики, мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари 584,7 % га ўсди. Аммо унда банд бўлганлар сони 179,1 % кўпайди. Олдин (1992 й.) ҳар бир корхонада ўртача 70,6 киши (3728,4:52,8) банд бўлган бўлса, 2004 йилга келиб – 20,8 киши (5500,0:263,8), 2005 йилда эса 21,6 киши (6679,0 : 308,7) банд бўлган. Бу ҳолат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг йилдан-йилга
майдалашиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг биринчи кунларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари асосан шаҳарларда ривожланган бўлса, эндиликда у қишлоққа кўчди.

Мамлакатимизда качик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кескин чора тадбирлар кўрилди. Хусусан:

- уларнинг эҳтиёжи учун нақд пул беришда мавжуд бўлган чеклашлар бекор қилинди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига юқори ликвидли товарлар ишлаб чиқариш ва сотишлари учун кенг йўл очиб берилди;
- уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган имтиёзлар тизими шакллантирилди;
- уларнинг фаолиятига давлат ва назорат қилувчи органларнинг аралашиш жараёни камайтирилди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ва ҳуқуқий эркинликлари кенгайтирилди;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларга рухсат бериш жараёни соддалаштирилди ва кескин қисқартирилди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мулки, уларнинг эркин фаолият юритишларидаги иқтисодий хавфсизликлари мамлакатимиз қонунлари билан кафолатланди.

Буларнинг ҳаммаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тез ривожланишига, оилавий тадбиркорликнинг шаклланишига, улар фаровонлигининг ошишига олиб келди. Натижада уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кескин ошиб бормоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни (2004-2005 йиллар)

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2004 йил	2005 йил	Ўзгариш суръати, %
1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши	%	35,6	38,2	+2,6 банд
2.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида иш билан банд дўлганлар сони	Минг киши	5974,9	6679,0	111,8
3.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида банд бўлганлар сонининг иқтисодиётда жами банд бўлганлар сонидаги улуши.	%	60,3	65,5	+5,2 банд
4.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида янгидан ташкил этилган иш ўринлари	Минг ўрин	392,6	434,2	110,6
5.	Минг киши ҳисобига фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари	та	9,2	10,3	112,0

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат МИМдаги улуши маълум даражада, яъни 2,6 % бандга ошган. Ушбу ҳолатга юқорида қайд этилган омиллар билан бирга шу субъектлардан олинадиган солиқлар миқдорининг камйиши ҳам сабаб бўлган. 2004 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари умумий солиқ тўловини амалга оширар эди. Уларнинг улуши шу йилда 15,2 %ни ташкил қилган бўлса, 2005 йилдан бошлаб мазкур субъектлар

ягона солиқ тўловига ўтказилди. Бу солиқнинг миқдори 13,0 %ни ташкил қилади. Бу эса, мазкур субъектларда молиявий маблағларни тежаш ва уларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадлари учун фойдаланиш имкониятларини очиб берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳамма рўйхатдан ўтган корхоналар ўз фаолиятини тўлиқ таъминлаб тезлик билан ишга киришиб кетаётган эмаслар. Бу мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудлари учун характерлидир (3-жадвал).

3 - Жадвал

Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар бўйича рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий корхоналари сони ва улушининг 2000-2005 йиллардаги ўзгариши

Ҳудудлар	Рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий корхона-лар сони, та		Фаолият кўрсата -ётган кичик биз нес ва хусусий корхоналар сони, та		Фаолият кўр-сатаётган кичик бизнес ва хусу-сий корхоналар улуши, %	
	01.01. 2000 й.	01.01. 2005	01.01. 2000 й.	01.01. 2005 й.	01.01. 2000 й.	01.01. 2005 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	7,8	15,3	4,6	14,2	58,6	92,9
Андижон	14,4	20,0	11,4	16,0	79,2	79,9
Бухоро	9,4	22,7	8,1	20,2	86,1	89,1
Жиззах	6,8	18,8	6,3	15,7	92,7	83,6
Қашқадарё	10,5	57,9	9,2	54,5	87,5	94,2
Навоий	4,4	10,7	3,3	9,5	74,0	89,3
Наманган	11,3	17,0	9,2	14,0	81,3	82,5
Самарқанд	16,8	22,8	11,4	20,9	67,8	91,9
Сурхондарё	8,8	16,9	7,4	14,0	84,0	82,5
Сирдарё	4,6	12,7	3,6	10,5	77,3	83,0
Тошкент	12,3	20,7	10,8	18,2	88,2	87,9
Фарғона	14,4	26,1	11,1	23,0	77,0	88,2
Хоразм	8,5	21,8	7,0	18,7	82,1	85,5
Тошкент ш.	29,7	25,3	22,2	19,1	75,0	75,3
Ўзбекистон республикаси	159,7	308,7	125,6	268,6	78,6	87,0

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Эслатма: Мазкур кўрсаткичнинг 1999-2005 йиллардаги таҳлилий маълумотлари мазкур иш иловасида келтирилган.

Республикамиз бўйича рўйхатдан ўтган кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг 1999 йилда 60,3 %, 2000 йилда 78,6 %, 2001 йилда 81,6 %, 2004 йилда 88,0 %, 2005 йилда 87,0 % фаолият кўрсатган бўлса, бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 2004 йилгача жуда пастлигича қолмоқда эди. Унинг улуши, мос равишда, 58,6, 67,8, 76,1 %, 86,3 %, га тенг. 2005 йилда эса 91,9 %га кўтарилди. Бу ҳолат кўрсатадики вилоятда рўйхатдан ўтишга жазм қилган тадбиркорлар, биринчидан, аниқ мақсад билан ишга киришган бўлса, иккинчидан, бизнес муҳитининг яхшиланаётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарнинг фаолият кўрсатаётганлари Жиззах вилоятида 2000 ва 2005 йилларда мос равишда, 92,7 83,6 %ни, Сирдарё вилоятида 77,3 ва 83,0 %ни, Сурхондарё вилоятида 84,0 ва 82,5 %ни, Қашқадарё вилоятида 87,5 ва 94,2 %ни ташкил қилган. Ушбу вилоятларида мазкур рақамлар республиканинг ўртача кўрсаткичига нисбатан анча юқори. Аммо айрим вилоятларда бу кўрсаткич жуда паст. Масалан, Тошкент шаҳрида барча рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг 2000 йилда 75,3 % ни ташкил қилган бўлса 2004 йилга келиб 74,5 %ни, 2005 йилда эса 75,3 %ни ташкил қилади. Худди шундай аҳволни Андижон вилоятида ҳам кузатиш мумкин. Унда 2000 йилда мазкур кўрсаткичнинг миқдори 79,2 % бўлган бўлса 2005 йилда 79,9 %ни ташкил қилмоқда.

Мазкур таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, хусусий тадбиркорликка асосланган кичик бизнес ва хусусий корхоналарни ривожлантиришда ҳали муаммолар жуда кўп. Тўғри, ҳозир мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш учун тегишли қонуний асос яратилди. Аммо тадбиркорларимиз ҳали янги шароитга кўникма ҳосил қилиб, рақобат шароитида бемалол фаолият кўрсатиш учун тажрибасизлик қилмоқда. Ҳали бу соҳанинг ривожланишига жуда кўп сунъий тўсиқлар ҳам бутунлай барҳам топган эмас. Шу туфайли Президентимиз иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, кичик ва хусусий тадбиркорлар фаолиятига турли назоратчиларнинг асоссиз аралашувини чеклаш масаласини бежиз устувор қилиб белгилаган эмас. Тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши учун, энг аввало, уларнинг эркинлигини таъминлаш лозимлиги уқтирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек 2005 йилда ҳам иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири «бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат»дир[7]. Бундай вазифани 2006 ва 2007 йилларга ҳам қатъий қилиб белгилаб бердилар. Мазкур вазифаларни бажариш учун эса,

[7]Каримов И.А. Бизнинг бош маъсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш. Т.: Ўзбекистон, 2005. – 76 бет.

унга тўсиқ бўлаётган салбий омилларни таҳлил қилиб, уларни бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида банд аҳоли, бир тарафдан, ўзларининг манфаати, оиласи истиқболи учун иш кўрсада, иккинчидан, жамиятнинг оғир юки уларнинг елкасида. Улар машаққатли меҳнат билан шуғулланишни ўз зиммаларига олиб фаолият кўрсатадилар. Чунки, мулк ўзиники, фаолият ўзиники, натижа ўзиники, агар инқирозга учраса бор мол-мулкидан ажраб қолиш риски ҳам ўз зиммасида. Шу боисдан тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳамма ҳам киришавермайди. Унинг жозибадорлиги билан бирга катта масъулиятлари ҳам бор. Бу эса ўз-ўзидан бир қонуниятни юзага келтиради. Оддий одамлар фақат ўзлари ва оиласи манфати ҳақида ўйласа, тадбиркор бутун халқ манфаатини ўйлайди. Шу туфайли одамлар ўзлари билан ўзлари овора бўлса, тадбиркор уларнинг барчаси билан овора, уларнинг нимага эҳтиёжи борлигини, даромадининг ҳажмини, харид қувватини, қандай товарларга, иш ва хизматларга қизиқиши каби ҳолатларни аниқлаш ва ўзининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини шуларга мослаштириш билан овора.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида банд бўлган одамларнинг фаолият кўлами ҳам кенг. Оддий одамнинг борадиган жойи ўзига энг яқин бўлган бозор. У мазкур бозордан ўзи ва оиласи учун ўз эҳтиёжига мос нарсаларни харид қилади. Тадбиркор эса шу харидорга унинг дидига мос нарсаларни ишлаб чиқаради ёки қаерлардандир, ҳатто узоқ хорижий мамлакатлардан ахтариб топиб сотиб олиб келади ва аҳолига сотади. Шу тариқа, ўз фаолиятини таъминлаш мақсадида бутун жамиятга хизмат қилади.

Аҳолининг нафақат товарларга, ҳатто хизмат ва ишларга бўлган эҳтиёжини қониришмасаласи ҳам шу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари зиммасида. Одамлар дам олишни хоҳлайди. Бу шароитни ҳам тадбиркор муҳайё қилишга интилади. Кўриниб турибдики, тадбиркор одамларнинг оғирини енгил қилади, ўзи меҳнат қилиб одамларни дам олдиради, уларнинг ками-кўстини тўғрилашга ҳаракат қилади. Бу жараёнда у ўз-ўзидан халқни ўйлайдиган, унинг ташвишлари билан яшайдиган халқпарвар инсонга айланиб боради. Ҳақиқий тадбиркор халқпарвар, халқпарвар инсон эса тадбиркор бўлади. Бу ҳолат унинг ижтимоий портретини белгилайди. Мамлакатимизда тадбиркорлар қанча кўп бўлса, оилаларнинг тадбиркорликдан оладиган даромадлари ҳам, мос равишда ошиб боради. Буни мамлакатимиз миқиёсида таҳлил қилиш учун шу соҳада банд бўлган аҳолининг сонини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ (4.-жадвал).

4.-жадвал

Мамлакатимиз ҳудудлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 2004-2005 йилларда банд бўлган аҳолининг сони (минг киши)

№	Ҳудудларнинг номи	2004 йил	2005 йил	Ўзгариш

				суръати,%
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	316,1	354,5	112,1
2.	Андижон вилояти	552,5	617,7	111,8
3.	Бухоро вилояти	394,0	440,0	111,7
4.	Жиззах вилояти	231,1	246,9	106,8
5.	Қашқадарё вилояти	484,5	554,0	114,3
6.	Навоий вилояти	180,0	192,5	106,9
7.	Наманган вилояти	394,9	425,5	114,6
8.	Самарқанд вилояти	681,8	751,6	110,2
9.	Сурхондарё вилояти	355,7	406,7	114,3
10.	Сирдарё вилояти	197,5	207,1	104,9
11.	Тошкент вилояти	593,5	644,2	108,5
12.	Фарғона вилояти	706,1	819,9	116,1
13.	Хоразм вилояти	293,9	356,4	121,3
14.	Тошкент шаҳри	593,3	635,0	107,0
15.	Ўзбекистон республикаси	5974,9	6679,0	111,8

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида банд бўлган аҳолининг сони маълум даражада кўпаймоқда. Ушбу соҳада банд бўлганларнинг умумий ўсиши 11,8 %ни ёки 704,1 минг кишини ташкил қилмоқда. Бу биринчи галда мамлакатимизда қулай тадбиркорлик муҳитининг яратилганлигидан далолат бериб турибди. Агар ушбу кўрсаткични ҳудудлар бўйича таҳлил қилинса, республика кўрсаткичига нисбатан айрим вилоятларда юқорилигига гувоҳ бўламиз. Буларга Қашқадарй вилоятини (114,6 %), Сурхондарё вилояти (114,3 %), Фарғона вилояти (116,1 %) ва Хоразм вилоятиларини (121,3 %) киритиш мумкин. Бироқ, айрим вилоятларда мазкур кўрсаткичнинг ҳажми республика кўрсаткичига нисбатан анча паст. Бундай вилоятларга Жиззах вилоятини (106,8 %), Навоий вилояти (106,9 %), Сирдарё вилояти (104,9 %), Тошкент вилояти (108,5 %), ва Тошкент шаҳрини (107,0 %) киритиш мумкин.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шу билан бирга оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, унинг эркинликларини таъминлаш учун кенг йўл очиб берилган. Уларнинг фаолиятини тартибга солувчи тегишли қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилган ва улар амал қилмоқда. Аммо, шуни эътироф этиш керакки, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш, бу ўта мураккаб фаолият. Бу бўйича бир хил андоза ёки тажриба дунё миқёсида ҳам шаклланган эмас.

Дунё амалиётида ҳам оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишнинг турли йўллари мавжуд. Масалан, америкалик кишилар тадбиркорликни бино ахтаришдан бошлар экан. Немислар эса, энг аввало, замонавий илғор

технологиялар билан танишишдан бошлайди. Японлар эса ўз тадбиркорлигини корхонанинг бўлғуси ходимларини ўқитишдан бошлар экан[8]. Ҳақиқатда ҳам, инсон салоҳиятини оширишга қаратилган маблағлар энг самарали сармоя ҳисобланади. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни, аксарият ҳолда, маблағ ахтаришдан бошлайди. Чунки бизда, кўп ҳолларда, маблағ етишмаслик муаммоси хусусий тадбиркорлик субъектларининг, айниқса оилавий тадбиркорлигининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Буни инобатга олиб мамлакатимиз раҳбарияти аҳолига турли кредитларни бериш, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларни микрокредитлаш масаласини устувор қилиб қўйди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига тўсқ бўлаётган омиллардан бири, бизда маркетинг хизмати яхши йўлга қўйилмаганлигидир. Бунинг оқибатида жуда кўп ишлаб чиқарилган, аммо аҳоли учун жуда зарур бўлган товарлар, кўпгина омборларда сотилмасдан турмоқда. Бу ҳолатни изоҳлаш учун биргина мисолни келтирамиз. “2002 йилда республикамиз бўйича сотилмай ётган тайёр маҳсулотнинг умумий қиймати 3 миллиард 800 миллион сўмдан зиёдни ташкил этди”[9]. Бундай ҳолат 2003-2006 йилларда ҳам жадал равишда унгланган эмас. Булардан кўриниб турибдики, катта ҳажмдаги моддий бойликлар, мулк шаклидан қатъи назар, ишлатилмасдан ҳаракатсиз ётибди, кўплаб турдаги хом ашё ва материаллар, шунингдек, айланма маблағларнинг беҳуда сарф этилишига йўл қўйилмоқда. Бу жамиятимиз ва давлатимиз иқтисодиёти учун ҳам катта зарардир. Товарларни ишлаб чиқаришда, энг авволо, уларнинг сотилишини кўзлаб ишлаб чиқиш вақти аллақачон етиб келган. Аммо бу таъмойил билан фаолият кўрсатишга ўтиш масалалси ҳар бир тадбиркорнинг кун тартибида муносиб ўрин эгаллаган бўлишлари лозим.

Таҳлиллар кўрсатдики, хусусий (оилавий) тадбиркорлик субъектларининг тез ривожланиб кетишига тўсиқ бўлаётган омиллардан яна бири улар ҳажмининг кичиклиги, ташқи омиллар таъсирига тез берилувчанлиги, бозорининг торлиги, молиявий имкониятининг чекланганлигидир.

Булардан ташқари, олдиндан ишлаб келаётган кўплаб корхоналаримиз бозор муносабатлари шароитига ва талабларига ўта секинлик билан мослашаётганлигидир. Ишлаб чиқариш йўлга қўйилган корхоналарда, таъкидланганидек, маҳсулотни сотиш қийин кечмоқда. Бу эса иқтисодиётимиз ривожига салбий таъсир қилмоқда, корхоналар фаолиятига ҳам катта тўсиқ бўлмоқда. Бундай ҳолатнинг жуда кўп корхоналарда мавжудлиги, мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш учун янги йўналиш бўлган маркетинг хизматини йўлга қўйишни тақозо қилмоқда.

---

[8] «Халљ сњзи», 2003 йил 30 январ - 2 бет.

[9] Каримов И.А. Ислоќотлар стратегияси - мамлакатимиз иљтисодий салоќиятини юксалтиришдир. «Халљ сњзи», 2003 йил 18 феврал. - 2 бет

Оила хўжаликларида тадбиркорликни ривожлантириш орқали уларнинг фаровонлигини ошириш бевосита иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай тадбиркорлик муҳитини яратишдан иборатдир. Буларни инобатга олиб Президентимиз иқтисодиётни эркинлаштириш масаласига узлуксиз аҳамият бериб келмоқда. Бу борада 2003 йилда Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишида қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда муваффақиятни таъминлайдиган бош омил - бу ишлаб чиқарувчига кўпроқ эркинлик бериш, унинг қўл-оёғини боғлаб, фаолиятига монелик қилаётган барча тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир”[10]. Бундай фикрни 2004 йил 7 февралдаги маърузасида ҳам устувор йўналишларимиздан бири «Ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш»дан иборатдир[11], деб алоҳида таъкидлаган эди. Шу масала кейинги йилларда ҳам кун тартибидан тушган эмас. Чунки бу борада ҳали камчиликлар, қилинадиган ишлар жуда кўплигича қолмоқда. Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 27 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаш-тириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» деб номланган маърузасида ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш учун уни янада эркинлаштириш лозимлигини кўрсатиб ўтиш билан бирга 2005 йилдаги муҳим устувор вазифалардан бири «кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборат»[12], деб кўрсатди. Натижада, 2005 йилда “хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди»[13]. Шу билан бирга, 2006 йилда энг муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида “...хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, бизнес учун қулай муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлашдан иборат”дир, деб кўрсатди.

Агар 2006 йилга мўлжалланган бу борадаги устувор вазифалар бажарилса, “бу ўн минглаб кишиларни, айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада

---

[10] Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. «Халқ сўзи», 2003 йил 18 феврал. - 2 бет

[11] Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. Президент Ислом Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига, бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 7 феврал.

[12] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш. Т.: Ўзбекистон, 2005. – 82 бет.

[13] Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2006 йил 10 феврал. И.А.Каримов асарлар тўплами. 14-том.- Т.: Ўзбекистон, 2006.-164 бет.

кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имконини яратади[14]. Шуни таъкидлаш жоизки, 2006 йилда янги иш ўринларини яратишга қаратилган тадбирларнинг аксарияти катта капитал маблағни талаб этмайди. Булар жумласига, янги микрофирмаларнинг ташкил қилинишини, оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналарнинг ривожлантирилиши, касаначилик имкониятларидан кенг фойдаланишнинг кўзда тутилганлиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш лозимлиги, шахсий томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш каби масалаларни киритиш мумкин.

Бу тадбирлар тадбиркорликни турли тармоқлар ва соҳалар бўйича қандай ривожланаётганлигини таҳлил қилишни тақозо қилади. Бу жараёнларнинг 2004-2005 йилдаги ҳолатини таҳлил қилганда қуйидаги манзарани кузатиш мумкин (5.-жадвал).

5.-жадвал

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида 2004-2005 йилларда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг таркибий тузилиши

№	Соҳалар ва тармоқлар	2004 йил		2005 йил	
		Миқдори, минг дона	Улуши, %	Миқдори, минг дона	Улуши, %
1.	Саноат	20,1	9,1	19,5	7,8
2.	Қишлоқ хўжалиги	146,2	66,0	176,8	70,3
3.	Транспорт ва алоқа	2,3	1,1	2,7	1,1
4.	Қурилиш	10,9	4,9	11,7	4,6
5.	Савдо ва умумий овқатланиш	41,9	18,9	40,9	16,2
	Жами	221,4	100,0	251,6	100,0

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича банд аҳолининг 2004-2005 йиллардаги тақсимоти иловада келтирилган.

Ушбу жадвал маълумотларининг кўрсатишича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 2004 йилда 66,0 % ва 2005 йилда 70,3 % қишлоқ хўжалигига тўғри келмаокда. Бу қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасидир. Чунки охирги йилларда зарар кўриб ишлаётган истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига

[14] Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2006 йил 10 феврал. И.А.Каримов асарлар тўплами. 14-том.- Т.: Ўзбекистон, 2006.-188 бет.

айлантириш билан қишлоқда фермерчилик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ташкилий равишда амалга оширилмоқда. Булардан ҳам кўриниб турибдики, ислоҳотлар аграр секторда жадаллик билан ривож топмоқда. Бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган қонунчилик ва ҳуқуқий асос яратилди, қишлоқда асосий ишлаб чиқариш воситалари, яъни мулк хусусийлаштирилиб, нодавлат сектори вужудга келди, иқтисодий ва аграр муносабатларнинг мутлақо янги шакллари жорий қилинди, шартнома асосида ишлаш тизимига ўтилди, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари вужудга келди. Ҳозирда фермерчилик ҳаракатига катта аҳамият берилмоқда. Хуллас, қишлоқ аҳолисининг мулкка эгалик қилишини таъминлаш учун анча тадбирлар амалга оширилди.

Иккинчи ўринда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига тўғри келади. Уларнинг улуши 2004 йилда 18,9 %ни ташкио қилган бўлса, 2005 йилга келиб 16,2 %гача камайди. Бу бевосита мазкур соҳада эркин рақобат муҳитининг шаклланганлиги ва мамлакат бозорининг маълум даражада товарлар билан тўйинганлиги оқибатидир. Кўпгина четдан келтириладиган сифатсиз товарлар билан савдо қиладиган савдо дўконлари ҳозирги кунга келиб ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлдилар. Бироқ, саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг камайиб боришини бугунги кунда оқлаб бўлмайди. Тадқиқотлар кўрсатдики, ҳозирги кунда ўз фаолиятини тўхтатаётган саноат корхоналарнинг аксарияти чет мамлакатлардан хомашё ва материаллар билан ишлайдиган корхоналар экан. Булардан ҳам кўриниб турибдики, саноат корхоналарини асосан маҳаллий хамашё билан ишлайдиган қилиб очишга тўғри келмоқда, чунки ҳали ўзимизда жуда кўп хомашёларимиз борки, уларни асосан чет мамлакатга хомашё ёки ярим тайёр ҳолда экспорт қилмоқдамиз. Энг авволо, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган хомашё ва материалларни тайёр маҳсулотга келтирадиган саноат корхоналарини очишимиз мақсадга мувофиқ экан.

Қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаси ҳозирча кам улушга эга бўлсада аста-секинлик билан мунтазам ривожланиб бормоқда. Бу соҳа, ҳозирги вақтда асосан, нодавлат секторига айлантирилди. Келажакда мамлакат эҳтиёжига мос равишда тараққий этиб боради.

Ушбу маълумотлардан шундай хулосалар қилиш мумкинки, Ўзбекистонда аграр секторда тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки, охирги ўн беш йил давомида (1991-2006 йиллар) мамлакат аҳолиси 126,6 % ўсган бир пайтда, қишлоқ аҳолиси 134,4 % ўсди. Шулардан меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиш суръати ҳам қишлоқ жойларда шаҳарга нисбатан анча юқори. Шу даврда меҳнатга қобилиятли аҳоли мамлакат миқиёсида 134,3 % ни ташкил қилган бўлса, қишлоқ жойларда бу кўрсаткич 143,9 % га тенг бўлди. Аҳолининг бандлиги эса шу даврда 115,1 % ўсган бир пайтда, қишлоқ

аҳолисининг бандлиги 102,9 % ни ташкил қилди[15]. Умуман олганда аҳолининг сони ва уларнинг бандлигининг 2001-2005 йиллардаги ҳолати қуйидагича (6-жадвал).

6 - жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг сони ва уларнинг бандлиги билан боғлиқ кўрсаткичларнинг 1991-2005 йиллардаги динамикаси

Йиллар	Аҳоли сони, минг киши	Ўзгариш суръати	Меҳнатга қобилиятли аҳоли		Банд аҳоли		Бандлик коэффициенти		
			Сони, минг киши	Ўзгариш суръати,%	Сони, минг киши	Ўзгариш суръати,%	Жами	Шу жумладан	
								Давлат секторида	Нодавлат секторида
1991	20863,0	100,0	10234	100,0	8107	100,0	79,2	61,1	38,9
1992	21360,0	102,4	10463	102,2	8271	102,0	79,0	57,3	42,7
1993	21853,0	104,7	10707	104,6	8259	101,9	77,1	56,3	43,7
1994	22282,0	106,8	10975	107,2	8379	103,4	76,3	51,8	48,2
1995	22690,0	108,8	11222	109,7	8449	104,2	75,3	48,6	51,4
1996	23342,4	111,9	11508	112,4	8561	105,6	74,4	45,5	54,5
1997	23563,0	112,9	11824	115,5	8680	107,1	73,4	44,2	55,8
1998	23954,6	114,8	12176	119,0	8800	108,5	72,3	42,0	58,0
1999	24135,6	115,7	12550	122,6	8885	109,6	70,8	X	X
2000	24654,6	118,2	12942	126,5	8983	110,8	69,4	24,0	76,0
2001	24966,8	119,7	12718	124,3	9136	112,7	71,8	24,0	76,0
2002	25324,1	121,4	13181	128,8	9333	115,1	70,8	23,4	76,4
2003	25681,3	123,1	13597	132,9	9589	118,3	70,5	22,8	77,2
2004	26021,3	124,7	13946	136,3	9910	122,2	71,1	25,2	74,8
2005	26167,4	125,4	14434	141,0	10196	125,8	70,6	25,0	75,0

Манба: Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича чоп қилинган маълумотлари. 1999 йилда давлат ва нодавлат секторида банд аҳолининг маълумотлари берилмаган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1992-2003 йиллар давомида аҳолининг сони 120,2 % ўсган. Аммо меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиш суръати шу даврда аҳолининг ўсиш суръатига нисбатан анча юқори, яъни 129,9 % ни ташкил қилади. Шу даврда иш билан банд аҳоли аҳолининг ва меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиш суръатига нисбатан ҳам паст. Шу даврда

[15] Ушбу маълумотлар ЎзР Статистика Давлат Қўмитасининг тегишли йиллардаги маълумотлари асосида ҳисобланди.

уларнинг ўсиш суръати 115,9% ни ташкил қилади, холос. Бу ҳолат ўз навбатида аҳолининг бандлик коэффициентининг пасайишига олиб келди. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 1992 йилда 79,0 % ни ташкил қилган бўлса, 2003 йилга келиб 70,5 % га тушиб қолди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат ва нодавлат секторида банд бўлганларнинг таркибида давлатнинг улуши кескин камайиб, нодавлат сектори ривож топмоқда. Агар 1992 йилда давлат секторида 57,3 % ишчи ва хизматчилар банд бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2003 йилга келиб атиги 22,8 % ни ташкил қилмоқда. Бу ҳам кўрсатадики, аҳолининг бандлиги, яъни иш ўринлари эндиликда хусусий сектор эвазига ривож топади. Бу эса ўз навбатида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни тақозо қилади.

Ҳозирги пайтда янги иш ўринларининг 4/5 қисмининг очилиши тадбиркорлик субъектлари, айниқса кичик ва ўрта бизнесга тўғри келишини инобатга оладиган бўлсак, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлашда нодавлат, яъни хусусий секторни ривожлантириш муаммосини ҳал қилиш нақадар муҳимлиги аён бўлади.

Бунинг учун Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Биз ўзимизда ишлаб чиқарилиши мумкин ва зарур бўлган товарлар ва маҳсулотларни ўз ҳудудимизда ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз ва бунинг учун барча керакли шароитни яратишимиз керак. Бу бизнинг энг муҳим ва энг долзарб вазифамизга айланиши шарт.”[16].

Бу вазифа қишлоқ хўжалиги учун янада долзарб, чунки мамлакат аҳолисининг 60 % дан кўпроғи қишлоқда яшаши билан бирга, у ерда меҳнатга қобилиятли аҳолининг сони, таъкидланганидек, тез суръатлар билан ўсмоқда. Бунинг устига, ўзимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг аксарият қисми ҳамон хом ашё сифатида сотилмоқда. Буларни тайёр маҳсулотга айлантириш учун юртимизда жуда кенг имкониятлар мавжуд. Энг муҳими, хом ашё бор, малакали ишчи кучи мавжуд. Лекин, таҳлилларимиз кўрсатмоқдаки, бизда тадбиркорлик субъектлари, ташаббускорлик, фидойилик етишмаяпти. Тармоқлар бўйича тадбиркорликнинг таркиби ҳам йилдан-йилга ўзгариб турмоқда (7.-жадвал).

7.-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий корхоналарининг соҳалар бўйича 2000-2005 йиллардаги ўзгариши

Кўрсаткичлар - тормоқлар	2000 йил		2001 йил		2002 йил		2004 йил		2005 йил		2005 йил 2000 йилга нисба
	Сони, минг	Улуши, %	Сони, минг	Улуши, %	Сони, минг	Улуши, %	Сони, минг	Улуши, %	Сони, минг	Улуши, %	

[16] Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. «Халқ сўзи», 2003 йил 18 феврал. - 2 бет

											-тан
Саноат	20,1	11,0	20,6	10,2	21,6	9,0	26,9	10,2			
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	56,5	30,9	73,4	36,4	112,8	47,0	121,2	45,9			
Транспорт ва алоқа	1,5	0,8	1,8	0,9	2,2	0,9	2,5	1,0			
Қурилиш	12,1	6,6	12,3	6,1	12,0	5,0	14,5	5,5			
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	4,8	2,7	8,4	4,1	9,6	4,0	10,0	3,8			
Ишлаб чиқариш тармоқлари	**95,0**	**52**	**116,5**	**57,7**	**155,8**	**65,9**	**175,1**	**66,4**			
Савдо ва умумий овқатланиш	60,9	33,3	60,1	29,8	52,8	22,0	60,2	22,8			
Соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	3,3	1,8	3,7	1,8	4,5	1,9	4,3	1,6			
Таълим ва маданият	2,1	1,1	2,4	1,2	3,1	1,3	2,7	1,1			
Илм-фан ва илмий хизмат	1,1	0,6	1,0	0,5	1,2	0,5	0,9	0,3			
Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	20,5	11,2	16,4	8,1	21,5	9,4	20,6	7,8			
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	**87,9**	**48,0**	**83,6**	**42,3**	**84,2**	**35,1**	**88,7**	**33,6**			
ЖАМИ	**182,7**	**100,0**	**200,1**	**100,0**	**238,2**	**100,0**	**263,8**	**100,0**			

Манба: Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг тегишли йиллар бўйича чоп қилган маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотлари кўрсатмоқдаки, кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш соҳасининг улуши ортиб бормоқда. 1999 йилда унинг улуши 47,5 % ни ташкил қилган бўлса, 2002 йилга келиб 65,9 % га етди. 2004 йилда эса ушбу кўрсаткич 66,4 % гача кўтарилди. Қишлоқ хўжалигида бу 23,5 % дан 45,9 % гача кўтарилди.

Агар қишлоқда ҳам тадбиркорлик субъектларини тез ривожлантириш чора-тадбирларини кўриб, улар олдидаги ғовни олиб ташлайдиган бўлсак,

Президентимиз таъкидлаганидек: “Фақат шунинг ҳисобидан одамларни иш билан таъминлаш ва биз учун мураккаб бўлиб турган ишсизлик муаммосини ҳал этиш мумкин.”[17]. Кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектлари, айниқса оилавий тадбиркорликни ривожлантириш нафақат иқтисодий ўсишни, балки ижтимоий барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга экан. Шу туфайли ҳозир мамлакатимизда 2004-2006 йилларда оилавий тадбиркорликнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакат тараққиётининг устувор вазифалари сифатида қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришга, халқимизнинг анъаналари сифатида сақланиб келинаётган касаначиликка аҳамият беришликка эътиборни қаратиб қуйидаги вазифаларни белгилаб берди: «Кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса қишлоқ жойларда касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишга кўмаклашадиган тизилмалар яратиш.

Шу ўринда мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғли катта эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз, деб биламан»[18].

Мамлакатимизда ушбу вазифани бажариш учун зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш бўйича 2005-2007 йилларда 1100 та, жумладан, 2005 йилда 406 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш бўйича давлат дастури қабул қилинди. Булардан кўриниб турибдики, энди хусусий тадбиркорлик нафақат шаҳарда, балки қишлоқ жойларда ҳам тез суръатлар билан ривожланиши кўзда тутилган.

Таҳлиллар кўрсатдики, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига асосий тўсиқ бўлиб турган нарсалардан яна бири, уни бозор муносабатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бошқариш тизимининг етарли даражада яратилмаганлигида, деб биламиз. Аммо бу муаммо эндиликда юқорида таъкидланган Дастурни амалга ошириш жараёнида барҳам топади. Зеро, ҳамон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туманлар ҳокимликлари ва қуйидаги хўжаликлар, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликлар нимага жавоб бериши қонунларимизда аниқ белгиланган эмас эди. Марказдан туриб бошқарув тизими сақланиб қолинмоқда эди. Энди бу ҳам аста-секинлик билан барҳам топади. Натижада, энг асосий бўғин бўлган, маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликлар эркинлигининг таъминланиши учун кенг йўл очилади. Чунки эндиликда Президентимиз таъкидланганидек, “...қуйи

[17] Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. «Халқ сўзи», 2003 йил 18 феврал. - 1 бет

[18] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш. Т.: Ўзбекистон, 2005. – 83-84 бет.

бошқарув бўғинларининг ишига тепадан туриб, ноқонуний аралашув ҳолатларига асло йўл қўймаслик даркор”[19].

Бундан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида ҳар бир бўғин раҳбарлари, айниқса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг, бу ерда фаолият кўрсатадиган тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажарадиган вазифаларини қонуний жиҳатдан аниқ белгилаб қўйишни тақозо қилади.

Тадбиркорда, таъкидланганидек, халқнинг юки зиммасида. Бу юкни кўтариш учун у бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзига хос хислатларга эга бўлиши керак.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосида оилавий тадбиркорлик ётиши ҳақида шубҳа йўқ. Аммо бугунги кунда мамлакатимизда оилалар сони билан уларнинг боғлиқлиги қай аҳволда эканлиги тўғрисида маъумотни келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик. Бу учун қуйидаги жадвал тавсия қилинмоқда (8-жадвал).

8 - жадвал

Ўзбекистон Республикасида оилалар сони, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг 1000 та оилага тўғри келишининг 2001-2003 йиллардаги динамикаси

Йиллар	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар		Оилалар сони*		1000 та оилага тўғри келадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сони	
	Сони, мингта	Ўзгариш суръати, %	Сони, мингта	Ўзгариш суръати, %	Сони, мингта	Ўзгариш суръати, %
1992	52,8	100,0	3814,3	100,0	13,8	100,0
1995	142,0	268,9	4051,8	106,2	35,0	253,6
2000	183,0	346,9	4482,7	117,5	40,8	295,7
2001	201,9	382,4	4539,4	119,0	44,5	322,5
2002	240,0	454,5	4604,4	120,7	52,1	377,5
2003	250,0	473,5	4669,3	122,4	53,5	387,7

Манба: Микроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг тегишли йиллар бўйича чоп қилинган маълумотлари

- ***Бизнинг ҳисоб-китоблар натижасига асосан***

[19] Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. «Халқ сўзи», 2003 йил 18 феврал. - 2 бет

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари 1992-2003 йилларда 4,7 мартага кўпайган, оилалар сони эса 122,4 % ни ташкил қилади. 1992 йилда ҳар мингта оилага 13,8 та тадбиркорлик субъектлари тўғри келган бўлса бу кўрсаткич 2003 йилга келиб 53,5 тага етган ёки 3,9 марта кўпайган.

Оилаларнинг фаравонлигини ошириш учун мамлакатимизда ҳар бир оиладан камида биттадан тадбиркор бўлишига эришиш лозим. Шунда оила хўжалиги даромадлари таркибида тадбиркорликдан келадиган даромадлар улуши купаяди. Бу эса унинг фаравонлигини таъминлашнинг асосий гаровидир.

Мамлакатимизда хусусий секторни, оилавий тадбиркорликни, фермер хўжалиги ва шунга ухшаш кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенг ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган корпоратив бошқарув тизимини тартибга солиш, умуман тадбиркорликни турли тусиқларсиз кенг миқиёсда ривожлантириш муаммоси бугунги кунда ўта муҳим ва долзарб масалалардан биридир. Бу масалани ҳал қилиш шу соҳа бўйича юқоридан тортиб қуйи бўғинларгача бошқарув усулларини такомиллаштириш, оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш механизмини яратишни тақозо қилади.

2. Оила хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш орқали фаровонликни ошириш масалалари

Оила хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтасодиётини юксалтирибгина қолмасдан оила фаровонлигини таминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оила фаровонлигининг манбаи бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки олдин оила даромади асосан иш ҳақидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манба етарли бўлмасдан қолди. Шу туфайли ҳар бир оила энди кичик бизнесга асосланган оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши лозимлигини ҳаёт тақозо қилмоқда. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳолининг, айниқса оилаларнинг турмуш шароитини, яъни фаровонлигини ифодалаш учун тегишли кўрсаткичлар ёки уларни аниқловчи усуллар мамлакатимиз олимлари томонидан ҳамон ишлаб чиқилмаган.

Аҳолининг турмуш шароитини, яъни фаровонлигини белгилаш учун хорижда тан олинган бирқанча усуллар мавжуд. Булардан бири Евростат методологиясидир. Бунга асосан аҳолини оилаларнинг турмуш шароитига қараб қуйидагича тақсимлайдилар: бойлар, ўрта табақадагилар ва камбағаллар. Бу туркумга кирувчиларни аниқлаш учун оилаларнинг турмуш шароитини олти гуруҳга бўлиб ўрганилади: юқори турмуш даражасига эга оилалар; ўртачадан юқори; ўртача; ўртачадан пастроқ; паст ва жуда паст турмуш даражасидаги

оилалар. Фарғона вилоятида Евростат усули билан социологик тадқиқот ўтказилганда натижа қуйидагича бўлди. Ўртача фаровонлик даражасидаги оилалар сони 46,7 % ни, ўртачадан юқори фаровонлик даражасида яшайдиган оилалар 10,3 % ни, ўртачадан паст оилалар сони 26,0 % ни ташкил қилди. Буларнинг умумий миқдори 83,0 % ни ташкил қилади ва булар ўртача табақадаги оилалар гуруҳига киради. Қолган 17 % оилалар энг юқори турмуш даражасига кирувчи ва энг камбағал оилалар гуруҳига мансуб[20].

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, оилаларнинг асосий қисми ўртача турмуш шароитига эга бўлган оилаларни ташкил қилар экан.

Ҳозирги пайтда оилалар даромадининг тўртдан бир қисми (25 %) тадбиркорлик эвазига пайдо бўлмоқда. Келажакда оила эҳтиёжининг 50 фоизини шу йўл билан қопланишига эришиш лозим.

Бу бизнинг мамлакатимиз учун ўта муҳимдир. Чунки Европа мамлакатларида бир ишловчига 0,7 киши меҳнат ёшига етмаган болалар ва нафақадаги қариялар тўғри келса, бу кўрсаткич бизда 2,7 кишини ташкил қилади. Табиийки, бундай шароитда фақат ойлик маош билан оиланинг эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Шу туфайли келажакда ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Оилавий (хусусий) тадбиркорликнинг асосий йўналишларига кичик бизнес, шахсий тадбиркорлик, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари каби оилавий мулкка асосланган фаолият турлари киради.

Оилавий тадбиркорлар мулкининг асосий қисми мамлакатимизда давлат мулкини хусусийлаштириш эвазига шаклланди. Бу жараён босқичма-босқич амалга оширилди. Энг аввало, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 апрелда қабул қилинган «Республика кўчмас мулк биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини таъкидлаш лозим. Бу қарор кўчмас мулк биржаси фаолиятининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу қарорга асосан давлат тасарруфидаги кўчмас мулк қуйидаги усуллар билан сотилди. Буларга аукцион савдо, танлов ва биржа орқали сотиш жараёнларини киритиш мумкин. Бу жараёнда акциядорлик жамиятлари, жамоа мулки билан бир қаторда ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланишнинг иқтисодий асосини ташкил қилувчи оилавий мулк ҳам шаклланди.

Давлат мулкини хусусий тадбиркорларга сотиш бу мулкдорлар синфининг шаклланиши учун асос бўлди. Аммо мамлакатимизда ҳали хусусий мулкдан самарали фойдаланиш йўллари, хусусий корхоналарнинг самарадорлигини ошириш усуллари бўйича етарли тажриба йўқлиги, бозор муносабатларига етарли даражада кўникманинг шаклланмаганлиги хусусий

[20] Хакимова М. Малый бизнес и человеческое развитие. // Экономическое обозрение. № 3,2001 – 6 бет.

корхоналарнинг ҳам банкротга учраш ҳолларини юзага келтирди. Натижада зарар кўриб ишлаётган корхоналарни, мулк шаклидан қатъий назар, яна қайта сотиш, мулк эгасини ўзгартириш масаласи қўйилди. Хусусан, 2003 йил 9 ойи мобайнида барча сотилган объектларнинг 68 фоизи давлат, 32 фоизи нодавлат объектларига тўғри келади[2]. Кўриниб турибдики, олдин хусусийлаштириш учун фақат давлат мулк сотилган бўлса, энди эса, нодавлат мулки ҳам сотилмоқда. 2005 йилда давлат корхоналарини бутунлай, шунингдек, давлат акция пакетларини асосан хусусий сотиш масаласига алоіида эътибор šаратилди. Натижада 980 та объектдан 902 таси хусусий мулкка айлантирилди. 2000-2005 йиллар давмида жами 4 минг 660 та корхона ва объект хусусий мулкдорларга сотилади[3]. Бироš, мулкни хусусийлаштириш ҳали барча муаммонинг ҳал бўлгани эмас экан. Мулк ҳақиқий эгасини топиш дегани уни фақат хусусийлаштириш дегани эмас, балки шу мулкдан самарали фойдаланишни таъминлашдир.

Энди давлат ва нодавлат мулкининг сотилиши асосан жисмоний шахслар қўлига хусусий мулк тарзида ўтади. Хусусан, республикамизда 2003 йилнинг 9 ойи мобайнида сотилган мулкнинг 89,71 фоизи жисмоний шахслар қўлига ўтди[4]. 2004-2005 йилларда бу кўрсаткич мунтазам ошиб борди. Бу маълумотлар кўрсатадики, мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланмоқда, кичик бизнесга ва хусусий тадбиркорликка асосланган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун тегишли шароитлар, энг муіими, уларнинг иқтисодий асослари яратилмоқда.

Эндиги энг муҳим вазифа кўчмас мулк объектлари давлатники бўладими, нодавлат бўладими уларнинг самарали ишлашини таъминлаб, мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишини жадаллаштиришдан иборатдир.

Ҳозирги пайтда Президентимизнинг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорини қабул қилди. Мазкур қарор мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда туб бурилиш ясади, десак хато бўлмайди. Бу ўз-ўзидан содир бўлган эмас. Бу мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнининг бозор муносабаталрига асосланган босқичига ўтганлигидан далолат беради. Энди мулк ҳам талаб ва таклиф қонунига асосан сотиладиган, эгалик қилинадиган бўлди.

Мулкнинг самарали ишлашини таъминлаш давлатга ҳам, мулкдорга ҳам манфаат келтиради. Агар объект давлат тасарруфида бўлсаю, ҳеч фаолият кўрсатмаса бунинг фойдасидан кўра зарари кўп. Шу туфайли уни

---

[2] Мулкдор № 42, 2003 йил 31 октябр

[3] . . š , š ./// š .2006 11 –2 .

[4] Мулкдор № 42, 2003 йил 31 октябр

арзонлаштирилган қийматда бўлсада сотиш афзаллиги лозим деган хулосага келинди. Бундай усул амалиётда ҳам жорий қилинди. Ҳатто, мулкни ноль šийматда сотиш амалиёти ҳам жорий šилинди.

Ишлатилмай, фойдаланилмай турган мулкнинг ишлатилиши жамият учун жуда катта манфаат келтиради. Биринчидан, янги иш ўринлари яратилади, иккинчидан, мамлакатимиз бозори учун маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилади ва учинчидан, бу фаолият натижасидан давлат бюджетига солиқ тўлаш йўли билан давлатнинг иқтисодий қудратини юксалтиради.

Ҳозирги пайтда кўчмас мулк Республика кўчмас мулк биржаси томонидан 3 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга савдога қўйилади. Агар унга бир ой ичида талаб бўлмаса унинг нархи 5 фоиз камайтирилади. Лекин камайиш даражаси қолдиқ баланс қийматидан кам бўлмаслиги лозим.

Оилавий тадбиркорликнинг муҳим йўналишларидан бири оилаларнинг шахсий томорқасида фаолият кўрсатишидир. Бу ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тартибга солинади.

Ушбу қарорга асосан мамлакатимизда ер майдонини уй-жой қуриш, ерга умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан кимошди савдоси орқали сотиш кўзда тутилган. Бу тадбир аҳолининг яшаши билан бирга тадбиркорлик билан шуғулланиш имконини ҳам беради. Шу туфайли бу масала мамлакатимизда ўз ривожини топмоқда. Биргина 2003 йилнинг 9 ойи мобайнида 4 ва 6 сотихли жами 5865 та ер майдони очиқ савдога қўйилди. Бу бўйича 410,9 млн. сўмлик битимлар тузилди[5]. 2004-2005 йилларда šишлоš хўжалигида ишлаб чиšаришни тубдан ислоҳ šилиш ва биринчи галда šишлošда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш масаласига катта эътибор šаратилди. Кўриниб турибдики, бу тадбир ҳам мулкдорлар синфини ва тадбиркорлар доирасини кенгайтиришнинг муҳим йўлларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. «Мамлакатимиз фермер хўжаликларида бугунги кунда 1 миллиондан зиёд киши банд бўлиб, 2005 йилги пахта хом ашёсининг 66 фоизи, ғалланинг 55 фоизидан ортиғи фермер хўжаликлари томонидан етказилди»[6].

Бу жараён йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. 2003 йил 20 августда «Тадбиркорлик фаоилятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тадбирлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини қаубл қилди. Бу тадбирларнинг 2004-2005 йилларда амалиётда šўлланилиши такомиллаштирилиб берилди. Бунга асосан ҳокимликлар тадбиркорлик фаолиятини юритишга мўлжалланган ер майдонларини ажратади. Булар республика кўчмас мулк биржалари ваколатли ходимлари томонидан кимошди савдосига қўйилиб сотилади. Бу ҳам мамлакатимизда, айнišса šишлоš жойда

---

[5] Мулкдор № 42, 2003 йил 31 октябр

[6] . . š , š .// š .2006 11 –2 .

оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши учун яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг яна бир муҳим омили сифатида 2003 йил 15 октябрдан бошлаб амалга оширлиган миллий валютамизнинг жорий ҳисоб рақамлари бўйича эркин конвертациясининг йўлга қўйилиши ва бирқанча маъмурий чекловларнинг олиб ташланишини ҳам инобатга олиш лозим.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бозор муносабатлари шароитида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Бу энг аввало, оилалар фаровонлигини оширишнинг муҳим омилидир. Зеро ўртача иш ҳақи, ўртача даромад каби кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида ўзларининг яшовчанлик моҳиятини йўқотди.

Мамлакатимиз тараққиётининг пировард мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт кўришга қаратилган экан, демак, иқтисодий кўрсаткичлар фақат ўртача иш ҳақи ёки бошқа ўртача кўрсаткичлар билан эмас, балки ҳар бир шахс, фуқаронинг фаровонлиги билан белгиланади.

Ҳозир ишловчиларнинг ўртача иш ҳақи моддий фарравонликни тўлиқ ифода этмайди, чунки битта ишловчи ўз иш ҳақи билан фақат ўзини боқса, иккинчиси оиласидаги 2 боласини боқади, учинчиси эса 4 ва 5 кишини. Шу туфайли ўртача кўрсаткичдан бевосита ҳар бир оила эҳтиёжини инобатга оладиган оила фаравонлигини ифодаловчи, «Оила жон бошига тўғри келадиган даромад» кўрсаткичларига ўтиш пайти келди, деб ўйлаймиз.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг яна бир омили улардан олинадиган солиқлар юкини камайтиришдир. Бу оилаларнинг ўз маблағлари билан ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқ юкини камайтириш ҳозирги пайтда жуда муҳимдир. Чунки жуда кўп оилалар ҳали тадбиркорликка қўл ўрган эмас, қўл ўрганлари эса шу жараёнга кўникма ҳосил қилмаган. Бу ҳолат, албатта оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга салбий таъсир қилади. Шу туфайли оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахсларга солиқ солиш базасини қисқартириш, ставкасини пасайтириш, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш лозим.

Ушбу ҳолатлардан шундай хулоса қилиш лозимки, жамиятда тадбиркорлар сонини бутун аҳолига нисбатан эмас, балки оилалар сонига нисбатан олиш лозим. Ҳар бир оилада тадбиркор бўлишига эришсакгина бутун аҳолининг фаровонлигини таъминлашга мувоффақ бўламиз. Бу бизнинг бош ғоямиздир. Истиқлолдан мақсад жамиятнинг ҳар бир аъзосининг эркинлиги ва фаровонлигини таъминлашдан иборатдир. Бунга эришишнинг муҳим йўлларидан бири оилавий тадбиркорликдир.

Ишсизлик ва оила фаравонлиги бир-бири билан бевосита (функционал) боғлиқ. Ишсиз у қаердандир келган эмас ёки жамиятдан ажралиб қолган шахс ҳам эмас. Ишсиз бу ҳам оиламиз аъзоси. Оиладан бир киши жуда яхши

сердаромад ишда ишласа шу оила фаровон, агар у ишсиз қолса шу хона «вайрон», яъни камбағалликка маҳкум қилинган бўлади. Шу туфайли ҳар бир оилада шундай руҳият шаклланиш керакки, унда ишсиз одам бўлмаслиги керак. Агар бирор киши ишдан бўшадими изини совутмай тадбиркорлик билан шуғулланиши лозим, токи оиланинг моддий таъминотида барқарорлик бузулмасин.

Бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича 2006 йилнинг 1 январ ҳолатига Ўзбекистонда 4,3 млн. оила мавжуд. Шулардан 2,5 миллиондан кўпроғи қишлоқ жойларда жойлашган. Ҳозирги пайтда қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам бизнес билан шуғулланиш учун шароит етарли. Зеро, унинг қонуний асоси яратилди, тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилди. Оммавий фермерлик ҳаракати бунинг амалий ифодасидир.

Агар назарий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож топган жойда ишсизлик муаммоси бўлиши мумкин эмас. Чунки одам ишсиз бўлса ўзига иш топиши, ўзининг тадбиркорлик фаолиятини юргизиш учун тегишли шароит яратилган. Бу энг аввало, оилавий бизнесда намоён бўлади. Бироқ, мамлакатимизда оилавий бизнес биз кўзда тутгандек ривож топмаяпти, чунки бунинг бирқанча сабаблари бор.

АҚШда бизнесни бошлаш учун ҳамма нарса етарли экан. Фақат ушбу мамлакатда бино муаммо бўлар экан. Шу туфайли америкалик фуқаро ўз бизнесини бошлаш учун, энг аввало, фаолиятини бино ахтаришдан бошлар экан. Японияда эса бизнесни бошлаш учун бино, маблағ етарли, лекин бу ишнинг уддасидан чиқадиган бизнесменни ахтарар экан.

Германияда бизнесни амалга ошириш учун бино, пул, бизнесмен муаммо эмас экан. Улар ўз бизнесини энг юқори рақобатбардош, дунё бозорида ўз ўрнини топа оладиган товар ишлаб чиқарадиган технологияни қидиришдан бошлар экан.

Бизда-чи? Тан олишимиз керак, биз бизнесни бошлашимиз учун уни яхши тушунадиган, бозор тизимига кўникма ҳосил қилган тажрибали кадр (бизнесмен)ни ҳам, уни амалга оширадиган бинони ҳам, илғор ишлаб чиšариш технологияни ҳам, қўйинг-ки, уларни харид қилиш ёки ёллаш учун маблағни ҳам ахтаришимизга тўғри келади. Ҳаммасини топдик ҳам дейлик. Лекин бизнесни эркин амалга оширадиган, соғлом рақобатга асосланган тадбиркорлик муҳити ҳам етарли даражада шаклланган эмас. Буларнинг ҳаммаси бизнеснинг ривожланишига, шунга мос равишда, ишсизликнинг камайишига тўсиқлик қилмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг ҳозирги пайтда бирдан-бир йўли оилавий бизнесни ривожлантиришдир. Оилавий бизнеснинг ривожланиши, ўз-ўзидан ҳар бир оилада мавжуд бўлган ишсизларнинг иш билан банд бўлиш имконини беради.

Оилавий бизнеснинг ишсизликни тугатиш билан бирга яна бир қанча афзалликлари мавжуд. Биринчидан, мулкий муносабатларда меники ва сеники

деган зиддият бўлмайди. Иккинчидан, иш берувчи ва ишловчи ўртасидаги муносабатда ҳам зиддият йўқ, чунки уларнинг иккаласида ҳам битта оила аъзолари иштирок этади. Учинчидан, меҳнат маҳсулидан манфаатдорлик ҳам бир хил. Шу туфайли бизнес оламида оилавий бизнесининг ривожланиши муҳим концептуал аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда оилавий бизнесни ривожлантирши учун унинг қонуний асослари билвосита яратилди. Буларга «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида», «Фермер хўжаликлар тўғрисида», «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида», «Хусусий корхоналар тўғрисида» каби қонунларни киритиш мумкин. Аммо ҳозирги иқтисодий муҳит алоҳида «Оила тадбиркорлиги ва уни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қонунни қабул қилишни тақозо қилади. Бундай қонуннинг яратилиши табиийки, ислоҳотларни жадаллашишида, энг муҳими, оилаларнинг фаровонлигини ошишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ишсизлик ва оилавий тадбиркорлик бир-бири билан узвий боғлиқдир. Ишсизликнинг мавжудлиги ишсиз учун салбий ҳолат бўлсада, жамият равнақи учун маълум маънода ижобий омилдир. Чунки биринчидан, ишсиз аҳоли ҳамиша янги ишни, фаолиятни бошлаш учун захирада туради. Иккинчидан, ишдаги кишининг ишсиз бўлиб қолиш эҳтимолининг мавжудлиги уни тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилишга, ўз малакасини доимий равишда ошириб боришга ундайди. Учинчидан, ишсизликнинг пайдо бўлиши касаба уюшмалари фаолиятини фаоллаштиради, уларнинг ишчилар аҳволини яхшилаш борасида иш ҳақини кўпайтириш, уни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича турли таклифларнинг ишлаб чиқилишига ва эришишига сабаб бўлади. Тўртинчидан, ишсиз бўлиб қолиш эҳтимолидан қўрқиш оқибатида уларнинг жонбозлик билан ишлаши натижасида мамлакатда иқтисодий ўсишга эришилади. Бу эса ҳар бир оилада оила аъзоларининг ўз ўситида ишлашига асос бўлади.

Ишсизликнинг оила ва жамият учун салбий оқибати ҳам мавжуд. Биринчидан, ишсиз мамлакатда ялпи ички маҳсулотни яратишга ва оила фаровонлигини оширишга иштирок этмайди. Иккинсидан, ходим узоқ вақт ишсиз бўлса олдинги малакаси ва тажрибаси сусаяди. Агар шу малака бўйича иш топмаса бошқа касбни эгаллашга оиланинг анча маблағи ва вақти кетади. Учинчидан, ишсиз киши руҳий жиҳатдан тушкунликка тушади. Буни яхшилашда оиланинг роли катта. Бундайларни оилада маънавий қўллаб туришга тўғри келади. Акс ҳолда, турли жиноятлар содир бўлиши мумкин.

Шу туфайли Оила тадбиркорлигини ривожлантириш бугунги кунда мамлакатимиз учун ўта муҳим тадбир эканлигини идрок қилишимиз ва унга ҳукуматимиз ҳамда қонунчилик ҳокимияти томонидан тегишли эътиборни қаратишимиз лозим.

3. Оила хўаликлари фаровонлигини ошириш ва ишсизликни камайтиришга қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантириш орқали эришиш имкониятлари

Мамлакатимиз Президенти халқимизнинг фаровонлигини ошириш, ишсизликни камайтириш, аҳолини кексалик ёшида пенсия билан таъминлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида узлуксиз ғамхўрлик қилиб келмоқда. Жумладан, 2005 йил 20 июнида “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2006 йил 5 январда “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 9 январда “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ва фармонларини қабул қилган эди. Буларнинг ҳаммаси аҳолини иш билан таъминлашга, хўжалик юритувчи субъектлар сонини кўпайтиришга, эркин иқтисодиётни шакллантиришга, мамлакатимиза ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилганлиги ҳаммага аён.

Юқоридаги масалаларни чуқурлаштириш ва қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал қилиш каби муҳим табирларга қаратилган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2006 йил 23 март куни эълон қилинди. Бу қарор олдинги олиб борилган ишларни янада аниқлаштириш ва қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган амалий табирлардан биридир.

Ҳақиқатда, мустақиллик йилларида бу масалаларга мамлакатимизда катта эътибор берилиб келинди. Шахсий ёрдамчи хўжаликларга қўшимча ер ажратиб берилди, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил қилинди, уларни ривожлантириш бўйича узлуксиз чора-тадбирлар қўлланилиб келинмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг асосий негизида айнан ушбу масалаларни такомиллаштириш тадбирларининг турганлиги ҳам бежиз эмас.

Қишлоқда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий негизида оилаларнинг фаровонлиги, уларнинг иш билан бандлиги масалаларига қаратилган. Бу борада, айниқса, уй хўжалигида чорва молларини кўпайтириш бўйича Қашқадарё вилояти тажрибаси тахсинга лойиқдир. Вилоят ҳокимлигида «2006-2007 йилларда чорвачиликка ихтисослашган деҳқон хўжаликлари ва бошқа оилавий бизнес субъектларини ташкил қилиш дастури” ишлаб чиқилган эди. Мазкур дастур бўйича 18 минг деҳқон хўжаликлари ва 3 минг оилавий бизнес субъектлари ташкил этиш, шунинг натижасида 40 минг кишини доимий иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Бу деҳқон хўжаликлари ва оилавий бизнес субъектларини айланма маблағлар билан таъминлаш учун банк орқали имтиёзли кредитлар бериш, ер, ем-хашак ажратиш ва улардан тайёрланган

чорвачилик маҳсулотларини сотиш, қайта ишлаш бўйича аниқ чора тадбирлар белгиланган[21].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қишлоқдаги номи зикр этилган субъектларга давлат томонидан узлуксиз тизимли ёрдам кўрсатилиб келинмоқда. Уларга соддалаштирилган имтиёзли кредитлар бериш, уларнинг фаолиятини тўлиқ эркинлаштириш мақсадида имкон қадар давлатнинг аралашувини чеклаш, тегишли моддий-техник имкониятларини яратиш, минерал ўғитлар ва уруғчилик билан таъминлаш каби масалалар давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Бундай тизимли ёрдам кўсатиб келинаётгани, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллари кўпайишига, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратди. Масалан, Қашқадарё вилоятида 2006 йил бошига келиб қаромоллар сони 700 912 бошга, қўй-эчкилар 2 231 397 бошга, парандалар 1 391 335 тага етди[22]. Натижада гўшт, сут, сариқ ёғ, тухум каби ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тахчиллиги барҳам топди. Уларни етиштирувчилар ўртасида эркин рақобат муҳити вужудга келди. 2005 йилда Қашқадарё вилоятида барча тоифадаги хўжаликларда 191 134 тонна гўшт, 444 664 тонна сут, 124 517 минг дона тухум, 103 599та қора қўл тери, 3 962 тонна жун етиштирилган. Бу – барча соҳаларда ўртача 10-12 фоиз ўсишга эришди, дегани[23]. Маҳсулотларнинг сифати ошиши билан бирга нархининг ўсиш тенденцияси анча барқарорлашиб қолди. Зеро, бундай маҳсулотларни мамлакатимиз бозорларида исталган вақтда, исталган сифатда, исталган нархда топиш мумкин бўлмоқда.

Шу билан бирга, қарорда айтилишича, шахсий ёрамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, биринчи навбатда қорамол боқиш ва етиштириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оилалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Хусусан, чорва молларини боқишнинг ўзи бўлмайди. Унга катта меҳнат ва кўп вақт сарфланади. Чорвачилик маҳсулотларини сотишдан келадиган даромад қишлоқ жойлардаги оила даромадларининг аксарият қисмини ташкил қилади. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг чорвачилик учун қулай имкониятга эга бўлган Деҳқонобод, Муборак, Чироқчи, Косон туманларида шахсий чорва молларидан келадиган даромад оила бюджетининг 75-80 фоизини ташкил этмоқда[24]. Масаланинг иккинчи жиҳати, ҳанузгача ушбу иш билан машғул шахслар иш билан банд аҳоли тоифасига киритилмас эди ва улар тамонидан яратилган маҳсулотларнинг аниқ ҳисоби ҳам йўқ эди. Табиийки, бундай шахслар ишсиз сифатида четда

---

21 қобилов Б. Хонадон чорваси кўпаяди. ///" қ сўзи" 2005 18 - 2 .

22 қобилов Б. Хонадон чорваси рўзғорга барака келтиради. ///" қ сўзи" 2006 29 - 2 .

23 . - 2 .

24 . - 2 .

қолиб кетиб ҳеч қандай ижтимоий муҳофаза ҳам қилинмас эди. Чунки, уларнинг аксарият қисми, яъни қишлоқда яшавчи аҳоли, ҳеч маҳал иш ахтариб меҳнат органларидан рўйхатдан ўтишни ўзларига лозим топмайдилар ва ишсизлик мақомини ҳам олмайдилар. Мамлакатимизда бунинг ҳам йўли топилди. Энди улар иш билан банд аҳоли қатламига киради деган бўлди. Буларни инобатга олиб Президентимиз қарорида аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омили сифатида чорва моллари, энг авволо, қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш масаласига катта эътибор қаратилган.

Қарорнинг ижросини таъминлаш борасида малакатимизда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина Қашқадарё вилоятида 2006-2010 йилларда шахсий ёрамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш дастурина амалга оширса, вилоят бўйича 58,2 минг нафар ишсиз фуқаро иш ўринлари ва доимий даромад манбаига эга бўлади, 21 минг кам таъминланган оиланинг даромади эса 2-2,5 баробар ошади[25].

Масаланинг яна бир жиддий томони шунда эдики, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига зотдор, сермаҳсул чорва молларини етказиб бериш, тизимли тарзда уларни омихта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш масаласи эътибордан четда қолиб кетмоқда эди. Улар имконияти доирасида фаолият кўрсатиб келаётган эди. Зотдор молларни четдан олиб келиб ўрчитишга қўли ҳам маблағи ҳам қисқалиқ қилар эди. Қашқадарё вилоятида насилчиликка асосланган 52 та фермер хўжалиги тузилади, 2010 йилгача уларда 5 396 бош қизилчўл, қора-ола, швед зотли насилли моллар етиштирилиб аҳолига сотилиши кўзда тутилган[26]. Шу билан бирга қишлоқда агросервис соҳасининг ривожланмаганлиги, хусусан, зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича инфратузилма тармоғи шаклланмаган эди. Президентимизнинг номи зикр этилган қарорида бу масалани ҳал қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Буларни инобатга олиб биргина Қашқадарё вилоятида 2006-2010 йиллар мобайнида чорвадорларга хизмат кўрсатадиган 60 та зооветернария пункти, 102 та омухта ем сотувчи дўкон, 41 та ветеринария дорихонаси ташкил этилади[27]. Бу тадбирлар шахсий ёрамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш бўйича бир қанча муаммоларни ҳал қилади, деб ўйлаймиз.

Энг муҳими, ушбу қарор, қишлоқдаги ушбу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада экинлаштириш ва уларнинг ривожланиши учун тегишли ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Мазкур қарорга биноан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик

---

25 қобилов Б. Хонадон чорваси рўзғорга барака келтиради. ///" қ сўзи" 2006 29 - 2 .

26 . - 2 .

27 . - 2 .

маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар қуйидаги имтиёзларга эга бўлади:

1. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилади.
2. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминлаш ҳуқуқига эга бўлади.
3. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган жисмоний шахсларнинг иш даври, агарда улар бюджетдан ташқари песия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқорида ойлик суғурта бадаллари тўлаб борсалар, меҳнат стажига киритилади,. Бу миқдор бугунги кунда 4700 сўмни ташкил қилади.
4. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган жисмоний шахсларга меҳнат дафтарчаси очилади ва улар меҳнат органларида ҳисобга олиб борилади.
5. Энг муҳими, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш натижасида етиштирилган маҳсулотини эркин сотиш ва тасарруф этиш бўйича ҳеч қанақа чегара қўйилмаган.

Мазкур имтиёзлар иқтисоиётнинг ривожланиши учун ички имкониятларни ишга солиши билан бирга, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг кўпайиши учун ҳам катта имкониятлар очиб беради. Хусусан, ишсизликнинг камайиши билан бирга бирқанча ҳисобга олинмаётган яратилаётган ялпи ички маҳсулотларнинг ҳисоби йўлга қўйилади, улани аниқлаштириш имконияти туғилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўрилган чоралар тизимли тарзда ташкил қилинган. Чорвачилик билан шуғулланадиган, яъни қорамол боқиш билан банд бўлган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари учун биргина Қашқадарё вилоятида 14 016,4 гектар, шу жумладан, 5 055,8 гектар суғориладиган ер ажратилади. Бу чорвачиликни ривожлантириш учун мўл ва сифатли озуқа етказиб беришга қаратилгандир. Вилоятда 2005 йилда 24 318 гектар ерда озуқа экинлари устирилиб, 260 009 тонна хашак тайёрланган эди. 2010 йилга бориб эса, барча тоифааги хўжаликларда парваришланадиган чорва молларини қишловдан беталафот олиб чиқиш учун 517 570 тонна хашак талаб этилади[28]. Бу 2005 йилга нисбатан 2 баробар кўп демакдир. Бунга асосан экин майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш эвазига эришилади. Албатта бунай табирлар ҳам ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бу соҳага ҳам илмий-техник ютуқларни изчиллик билан жорий қилиб боришни тақозо қилади. Бу эса

[28] қобилов Б. Хонадон чорваси рўзғорга барака келтиради. ///“ қ сўзи” 2006 29 – 2 .

олимларимиз ва амалиётчиларимиздан илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш билан мунтаззам шуғулланиб боришни талаб қилади.

Президентнинг мазкур қарори билан 2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури маъқулланди. Ушбу дастурга биноан қуйидагиларни амалга ошириш назарда тутилган.

1. Минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш.
2. Зооветеринария пунктлари ва чорва молларини сунъий урчитиш пунктлари тормоғини кенгайтириш.
3. Зотли молларни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотиш назарда тутилган.
4. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сотиб олиш ва боқиш билан банд бўлган шахсларга имтиёзли мақсадли микрокредитлар ажратишни кўпайтириш билан бирга, уларни беришни соддалаштирилиши ҳам кўзда тутилган.

Ушбу тадбирлар шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол боқишга хизмат қилувчи сервис тизимини яхшилаш билан бирга, уларни ривожлантириш учун ҳам катта имкониятлар яратиб берадилар. Энг муҳим жиҳатларидан яна бири сифатида шуни таъкидлаш жоизки, бундай тадбирнинг бошида ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳалла қўмиталари туриши ва уларнинг бевосита бошқариши кўзда тутилган. Бундай йирик тадбирда маҳаллалар ролининг оширилишини жамиятни демократлаштириш сари олиб борилаётган тадбирларнинг яна бири сифатида баҳолаш мумкин.

Мамлакатимизда оила фаровонлигини ошириш масаласининг яна бир амалий ифодаси сифатида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2006 йилда “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” Дастурига мувофиқ қишлоқ жойлардаги эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларга, энг авволо, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалари бўлган оилаларга ҳар бир қишлоқ тумани бўйича камида 100-200 оилани қамраб олган ҳолда, ҳомийлар, шунингдек, нодавлат хайрия ташкилотларининг маблағи ҳисобига бир бош сигирни бепул бериш йўли билан хайрия ёрдамини кўрсатиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга уларга омихта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш масалалари, ҳатто чорва молларини боқиш кўникмалари ва бошқа шарт-шароитларни ҳам яратиш масаласи кўзда тутилган.

Қарорда белгиланган тадбирларни амалга оширишнинг аниқ чора-тадбирлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Хусусан, туман марказлари ва йирик оҳоли пунктларида омихта ем ва бошқа озуқаларни сотишни ташкил қилишни йўлга қўйиш мақсадида ихтисослаштирилган савдо шахобчаларини ташкил этиш учун зарур омборхоналарни ажратиб бериш масаласи ҳам белгиланган.

Президентнинг мазкур қарорига мувофиқ, 2006-2010 йилларда аҳолига қоромол сотиб олиш учун жами 158 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредит ажратилиб, унинг 30,5 миллиард сўми Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

қилиш вазирлигининг Бандлик жамғармасидан, 127,5 миллиард сўми сўми эса тижорат банклари маблағлари ҳисобидан қопланади. Шунингдек, 100 минг бошдан зиёд зотли қорамоллар аукцион орқали сотилиб, жойларда 600 дан кўпроқ омухта ем сотувчи дуконлар очилади[29].

Мамлакатимизда насилчиликни, хусусан, зотдор, сермаҳсул молларни ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятлар очилмоқда. Хусусан, мазкур карор билан 2010 йилгача бўлган даврда насилчилик чорвачилик корхоналари ва хўжаликлари насилчилик чорвачилигини ривожлантириш учун республикага олиб келинадиган насилчилик материали, технология ва ёрдамчи ускуналарга бож тўловларидан озод қилинган. Улар фақат божхона расмийлаштируви йиғимлари тўлайдилар, холос.

Умуман олганда, Президентимизнинг мазкур қарори шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш, аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсизликни камайтириш, банлик муаммосини ҳал қилиш, чорванинг маҳсулдор зотларини кўпайтириш, пенсия жамғармасини ошириш, пировардида орқали оила фаровонлигини ошириш ҳамда жамиятни демократлаштириш сари элтадиган яна бир йўлни очиб берди. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётганлигининг ёркин ифодасидир.

4. Қишлоқ жойларда оила хўжаликлари фаровонлигини ошириш учун тадбиркорликни ривожлантириш ва ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш масалалари

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда аҳолининг ишсизлик қатлами аста-секинлик билан ўсиб бормоқда. Бу бозор муносабатлари шароитида содир бўлиши лозим бўлган объектив жараёндир. Зеро, бу шароитда бир қисм ишсизлар доим ўзларига иш ахтариб иш билан банд бўлиб борса, иккинчи қисм ишловчилар ўз иш жойларини турли сабаблар асосида тарк этиб ишсизлар армиясига қўшилиб борадилар. Шу туфайли ҳар қандай давлат ўз мамлакатида ижтимоий барқарорликни таъминлаш учун доимий равишда ишсизликни камайтириш учун курашиб келадилар. Бу борада мамлакатимизда ҳам, унинг ҳар бир ҳудудида ҳам бу масала эътибордан чета қолган эмас. Буни биргина Самарқанд вилояти мисолида кўриб чиқамиз.

Самарқанд вилоятида аҳолининг, айниқса оилаларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган бирқанча дастурлар тузилган, чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва улар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шундай дастурлардан бири «Ахолини иш билан таъминлаш»га қаратилган узоқ муддатли дастурдир.

---

[29] қ сўзи. 2006 йил 26 март.- 2 бет.

Вилоятда меҳнат бозорини бошқариш, аҳолини, айниқса унинг меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган аҳоли табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича анча ишлар қилинди. 2005 йилда ҳам мехнат мунособатларини тартибга солиш борасидаги ишлар давом этирилди. Ёлгиз ногиронларни, уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш, қайта ўқитиш ва ишга жойлаштириш бўйича вилоятда 2005 йил давомида 39 нафар фуқароларга ишсизлик мақоми берилиб, 201 нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилди. Булар эса кам таъминланган оилаларни маълум даражада иш билан таъминланиш эвазига оилаларнинг фаровонлигини ошириш имкониятини яратди.

Статистик маълумотларга кўра 2005 йил давомида вилоятнинг шахар, туман меҳнат бўлимларига 50,6 минг киши иш сураб мурожаат килган. Бу дастур бўйича белгиланган йиллик топшириққа нисбатан 100,5 фоизни ташкил қилади.

Самарканд вилоятида аҳолини ишга жойлаштиришда мехнат биржаларининг роли катта бўлмоқда. Шу соҳа орқали аҳолини ишга жойлаштириш буйича йиллик топшириқ 101,2 фоизга бажарилиб, 45,2 минг киши ишга жойлаштирилган. Мурожаат килганларнинг 89,3 фоизининг аризаси қондирилган.

Ишсизликни камайтиришда аҳолини бугунги ўзгаришларга мос ҳолда қайта тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Хусусан 2005 йилда вилоят буйича 615 киши кайта ўқитилиб, бу бўйича белгиланган топширик 93,2 фоизга бажарилди. Аҳолининг кўпгина қисмини жамоат ишларига жалб қилиниш йўли билан ҳам иш билан таъминлашга эришилмоқда. Вилоятда жамоат ишларига 1771 киши жалб килиниб, бу борадаги топшириқ 2005 йилда 107,3 фоизга бажарилган.

Ишга жойлаштиришнинг яна бир муҳим йўли аҳолини квота иш ўринларини очиш эвазига ишга жойлаштириш ҳисобланади. Вилоят буйича шахар ва туман ҳокимларининг қарорлари асосида 11976 та квота иш уринлари яратилиб, ушбу иш уринларига 11976 фукаро ишга жойлаштирилди. Бу борадаги кўзланган марра 100 фоизга бажарилган. Вилоят буйича ногиронлар учун 933 та квота иш уринлари яратилиб, ушбу иш ўринларига 180 нафар (19,3%) ногиронлар ишга жойлаштирилди. Бундай тадбирлар, биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаб, ишсизликни қисартириш эвазига бандлик даражасини оширса, иккинчи тамондан, иш билан таъминланганлар оилаларининг модий фаровонлигининг ошишига бирмунча сабаб бўлади.

Бундай вазифаларни бажариш ҳозирги шароитда бироқ мураккаб. Хусусан, асосий мулк хусусийлаштирилган бир пайтда маҳаллий ҳокимиятларнинг иш ўринларини яратиши борсидаги ишлари бирмунча қийин кечади. Уларни мажбур қилиб тадбиркорликка сафарбар этиб бўлмайди. Бу жуда катта ташкилотчиликни, мулкдорларда тадбиркорлик кўникмаларини

яратишни, энг муҳими, тадбиркорларнинг истиқболи парлоқ эканлигига ишонтира оладиган катта сафарбарлик ишларини олиб бориши лозим бўлади.

Самарканд вилоятида, янги иш уринлари яратиш дастурининг бажарилиши бўйича ҳам анча ишлар қилинди. Статистик маълумотларга кўра вилоятда 2005 йил 49,5 минг янги иш уринлари яратилиб, дастурда белгиланган топширик 116,1 фоизга, шундан қишлоқ жойларида 39,7 минг ўрин яратилди ва бу бўйича топширик 104,8 фоизга бажарилди.

Аҳолини бандлигини ошириш учун янги корхоналарни барпо этиш ва кенгайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Янги корхоналарни барпо этиш хисобидан иқтисодиётнинг реал секторида 3,9 мингта (7,9 фоиз), кичик ва ўрта бизнесда 19,9 мингта (40,2 фоиз), деҳқон ва фермер хўжаликларида 7,0 мингта (14,1 фоиз), юридик шахс мақомини олмаган якка тартибдаги тадбиркорлик хисобидан 11,6 мингта (23,4 фоиз), уй меҳнатини ташкил этиш, яъни касаначилик ҳисобидан 5,6 мингта (11,3 фоиз), ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобидан 1,5 мингта (3,1 фоиз) янги иш ўринлари яратилган. Кўриниб турибдики, тадбиркорлик асосида очилган иш ўринлари барча яратилган иш ўринларининг 77,7 фоизини (40,2+14,1+23,4) ташкил қилмоқда. Бундан ҳам кўриниб турибдики, оилаларнинг фаровонлигини оширишда тадбиркорлик асосий ўринни эгалламоқда.

Хисобот даврида янги иш уринлари яратиш учун жами 24301,8 млн.сўм маблағ сарфланиб, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 1944,8 млн.сўм (8,0%), корхона ва хужалик маблағлари ҳисобидан 6315,6 млн.сўм (26,0%), тижорат банклари ҳисобидан 6692,7 млн.сўм (27,5%), чет эл инвестицияси маблағлари ҳисобидан 23,3 млн.сўм (0,1%), «Бандлик» жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1381,2 млн.сўм (5,7%) ва аҳоли маблағлари ҳисобидан 7942,2 млн.сўм (32,7%) маблағ сарфланиб, битта янги ишчи ўриннинг умумий қиймати 490,7 минг сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 361,4 минг сўмни ташкил этди. Булардан ҳам кўриниб турибики, янги иш ўринларини очиш умуман олганда вилоятда жуда арзон. Бу қишлоқ жойларда янада камроқни ташкил қилади. Булардан шундай хулосалар чиқариш мумкинки, бизда яратилаётган иш ўринлари ҳали юқори қимматга эга бўлган технологиялар ҳисобига эмас, балки оддий маҳаллий аҳамиятга молик ишларни ташкил қилиш эвазига амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятимизда янги иш ўринларини яратиш масаласи, аҳолини иш билан таъминлаш ва шу орқали уларнинг оилалари фаровонлигини ошириш масаласи бугуни кунда ечилиши лозим бўлган устувор вазифалардан бирига айланган.

Шундай қилиб, тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, ишсизликни бартараф қилишнинг бирдан-бир йўли ҳозирги бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик экан. Шу туфайли қишлоқда оилавий тадбиркорлик ва ишсизлик масалаларига эътиборни қаратдик, чунки ишсизларнинг кўп қисми қишлоқ жойларда тўпланиб бормоқда.

Аҳоли бандлигининг тармоқлар бўйича ўзгаришини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида ортиқча ишчи кучларининг бошқа соҳаларга ўтиши оқибатида бу соҳаларда банд бўлган аҳоли охирги уч йилда 10 фоизга камайди. Аҳоли бандлигининг умумий миқдори қурилиш, уй-жой, коммунал хизмат хўжалиги ва маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турларида, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот соҳаларида, молия, кредит, суғурта муассасаларида ўсди.

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича аҳолининг иш билан бандлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат билан банд бўлган аҳолининг қишлоқ хўжалигида улуши кўпайиб бормоқда.

Ҳар йили ўртача 350 минг янги иш жойлари, асосан аҳолининг кўпайиши ва яширин ишсизликнинг даражаси юқори бўлган қишлоқ жойларида яратилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги ишсизлик кўрсаткичлари юқори эмас – 0,5-0,6 фоизни ташкил этади.

Бутун иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш аввало, замонавий технологияларни кенг жорий қилишга, яъни талабга кўра, заруриятни ҳисобга олган ҳолда, ишчи кучининг малакаси, касбий билими, маҳорати ва савиясига боғлиқ бўлади. Шу туфайли:

1) меҳнат бозорига чиқадиган, айниқса аввал уй хўжалигида ва норасмий секторларда банд бўлган барча тоифадаги ишчи кучини талабгор, замонавий махсус касб-ҳунар билан қамраб олишни таъминлаш зарур;

2) меҳнат бозоридаги ишчиларнинг рақобатбардошлигини ва мослашувчанлигини ошириш зарур.

Бунда қишлоқда бандлик муаммосининг ечими хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш истиқболлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шу нуқтаи-назардан, ушбу соҳанинг ривожлантирилиши қуйидаги омилларни ҳисобга олишни талаб этар экан:

- мавжуд бўлган кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш;
- кичик бизнесни янги субъектларини яратиш;
- норасмий асосда ишлаётган кичик корхоналарни аста-секинлик билан расмий секторга бирлаштириш.

Шу билан бирга, қишлоқда кичик бизнесни рағбатлантирганда қуйидагиларнинг таъминланиши зарурлиги аниқланди:

- имтиёзли кредитларни мавжудлиги, тегишли қонуннинг шакллантирилиши;
- кичик корхоналарга бевосита молиявий ёрдам кўрсатиш.

Қишлоқда бозор иқтисодиёти шароитида шу каби фаол тадбирлар қўлланилганда моддий ишлаб чиқаришнинг турли хил тармоқларида ва хизмат соҳаларида янги иш жойларини яратиш имкониятлари кўпаяди. Иш кучининг меҳнат бозорида давомли таклифи демографик ривожланишга боғлиқ бўлади, шу билан таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳаларидаги

бевосита давлат сиёсати таъсирига, солиқ, пул-кредит, ҳудудий сиёсатга ҳам тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Кичик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватланишига қарамасдан ҳозирги кунда кичик корхоналарнинг иқтисодиётини соғломлаштиришдаги ҳиссаси етарли эмас. Бу ишлаб чиқаришнинг умумий пасайиши, хўжалик алоқаларининг узилганлиги, уларнинг давлат томонидан етарли қўллаб-қувватланмаётганлиги билан ифодаланади. Шу билан бирга кичик корхоналар барқарор бўлмаган тадбиркорлик тузилма сифатида, бозор ўзгаришига боғлиқ бўлиб, давлат томонидан қўллаб-қувватланишига муҳтождир.

Кўп мамлакатларда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши борасида махсус фондлар мавжуд. Масалан, Японияда, бу мақсад учун бюджетдан ҳар йили 2-3 млрд. доллар ажратилади.

Кўп ҳолларда чет элларда кичик корхоналарни давлат томонидан молиявий-кредит жиҳатдан қўлланилиши махсус тузилмалар ва фондлар орқали амалга оширилади. Масалан, «Кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият» (АҚШ), «Кичик бизнесни суғуртали кредитлаш Корпорацияси» (Япония), «Кичик ва ўрта фирмалар учун кредитлар» (Франция) шулар жумласидандир.

Кичик корхоналар шунингдек, ахборот хизмати, кадрлар тайёрлаш, имтиёзли банк кредитлари ва бошқа ёрдамлар кўрсатилишига мухтождир.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари ҳам мавжуд: кичик корхоналарни давлат буюртмаси билан таъминлаш (бунга эҳтиёж бўлса), саноати суст ривожланган ҳудудларда кичик корхоналарга турли имтиёзлар яратиш ва ҳакозо.

Ҳозирда кичик корхоналарнинг асосан ривожланиши, воситачиликда ва кўп капитал қўйилма талаб этилмайдиган соҳаларда – савдода, овқатланиш тармоғида, уй-жой қурилишида, техника ва машиналарни қайта таъмирлашда, қишлоқ хўжалигида кузатилмоқда. Шу қаторда, улар томонидан илмий-техника янгиликлари ва ахборот сингари қудратли бозор эгаллай олмаяптилар. Бу бир томондан давлатнинг мазкур муаммога етарли эътибор берилмаётганлиги сабаб бўлса, бошқа томондан, давлат илмий-текшириш институтларининг монополияси сабаб бўлмоқда. Бу пировардида давлат секторининг монополиялашувига олиб келмоқда.

Чет элларда кичик бизнесни қўллаб-қувватланиши бўйича айниқса АҚШда олиб борилаётган иш тажрибаси эътиборга моликдир.

80 йилларда АҚШда якка тартибли ва гуруҳларнинг инновация бизнеси кескин ўсди. Кичик инновация ишлаб чиқариш олимлар, муҳандислар, ихтирочиларнинг шахсий меҳнатлари асосида ташкил этила бошланди. 80 йиллар охирида ва 90 йиллар бошида АҚШнинг кўп илм-фан талаб этадиган секторда 30 дан 40 гача компания мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида 1000 га яқин одам ишлаган бўлса, бугун АҚШда ҳар йили ташкил топаётган 600-700 та

янги фирмаларнинг 18 таси илмий-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

АҚШда кўплаб миқдордаги майда инновация корхоналари анъанавий илмий-текшириш ва конструкторлик комплекслари, ишлаб чиқариш корпорациялари, давлат лабораториялари, турли мақсадни кўзлаган тузилмаларни ўзига хос тўлдирувчиси сифатида намоён бўлмоқда.

АҚШ тажрибасидан маълум бўлдики, майда инновация бизнесининг етарли ресурс билан таъминланмаганлиги сабабли уларнинг яшовчанлиги давлат томонидан қўллаб-қувватланишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий йўналишларига қуйидагилар киради:

- молиявий қўллаб-қувватлаш (таваккалчилик капитали кўп сонли манбаларнинг мавжудлиги);
- моддий-техник (ижарага бериш ва сотиб олиш имкониятларининг мавжудлиги, шу жумладан имтиёзли шартлар ва қурилмалар, техникалар, илмий жиҳозлар, транспорт воситалари, нусха кўчириш техникалари ва ҳакозо);
- ахборот (ахборот тармоқлари имкониятлари

Буларнинг ҳаммаси кичик бизнесни ривожлантириш билан бирга иқтисодиётнинг ҳам юксалишига олиб келади.

Ўзбекистонда кичик бизнес билан ҳамқадам равишда хусусий тадбиркорлик ҳам ривожланиб бормоқда. 2000 йил 1 январь ҳолатига кўра, Республикада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони 178271 та бўлса, кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектлари 159779 тани, яъни 89,6 фоизни ташкил этди. Бу тенденция 2004 йилда ҳам сақланган бўлиб кичик ва хусусий тадбиркорликка асосланган корхоналар улуши 90 фоиздан зиётроқни ташкил қилмоқда.

Бундай хўжалик субъектларининг аксарият қисми Тошкент шаҳрида (29,6 минг), Самарқанд вилоятида (16,8 минг), Тошкент вилоятида (12,3 минг), Қорақалпоғистон Республикасида (7,8 минг), Жиззах вилоятида (6,8 минг), Сирдарё вилоятида (4,6 минг) фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда энг муҳим муаммолардан бири – рўйхатга олинган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари бир қисмининг фаолият кўрсатмаётганлигидир. Бундай кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг умумий сонидаги улуши мамлакат бўйича 23,7 фоизни, Қорақалпоғистон Республикасида 41,4 фоизни, Самарқанд вилоятида 32,3 фоизни, Навоий вилоятида 26,0 фоизни, Тошкент шаҳрида 25,0 фоизни, Фарғона вилоятида 23,0 фоизни ташкил этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, республика бўйича хусусий корхоналарнинг 14,9 фоизи, кичик корхоналарнинг 18,2 фоизи, микрофирмаларнинг 22,4 фоизи фаолият кўрсатмаяпти. Бунга сабаб кичик ва микрофирмалар рўйхатдан ўтгач, кўпдан-кўп муаммолардан энг асосийси маблағ етишмаслиги бўлса, хом-ашё

ресурслари ҳамда бутловчи маҳсулотларни олишнинг мавҳумлиги ва жуда қийинлигидир. Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида илмий-тадқиқот, бозорни маркетинг асосида кенг қамровли ўрганиш имкониятларининг йўқлиги сабабли улар ўз маҳсулотларини, ишлаб чиқариш воситаларини модернизация қилишлари қийин кечмоқда.

Шу боисдан ҳам, яқин икки-уч йил ичида кичик ва хусусий корхоналар сони икки баробар кўпайиб, ялпи миллий маҳсулотда уларнинг улуши камида 50-60 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. 2004 йилда минглаб кичик бизнес субъектлари яратилди. Жумладан, ҳуқуқий шахс мақомидаги деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Тошкент шаҳрида 4,2 минг, Бухорода вилоятида 3 мингдан зиёд, Наманган вилоятида 2,79 минг, Хоразм вилоятида 2,64 минг кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Ялпи ички (ҳудудий) маҳсулотда Тошкент шаҳри кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг улуши 35 фоизга, Самарқанд вилоятида 24,5 фоиз, Наманган вилоятида 25,4 фоиз, Андижон вилоятида 27 фоизга етказилади. Жиззах ва Наманган вилоятларида шунга мувофиқ равишда 24,3 фоиз ва 25,4 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади:

- тадбиркорлик субъектларини лицезиялаш ва рўйхатга олиш соҳасида ҳам мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш, шу орқали тадбиркорликни, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш механизмининг яхлитлигини ташкил этишни;
- тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялашни яхшилаш учун аудиторлик хизматларидан тўғри фойдаланишни ва солиққа тортишни такомиллаштиришни;
- тадбиркорлик фаолиятига текширувчи идораларнинг аралашувини камайтиришни бу учун эса аудиторлик фаолиятини такомиллаштиришни, уларнинг масъулиятини ошириш, ваколатларини кенгайтиришни.

Тадбиркорлар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўзлари ҳимоя қилишни ўрганишлари лозим. Бунинг учун улар ҳуқуқий таълим олишлари ва ўз фаолиятларида қонунга суянишлари, бундан ташқари адвокатлар хизматларидан фойдаланишга ўрганишлари мақсадга мувофиқдир.

Статистик маълумотларга қараганда ҳар йили мамлакат бўйича ўртача 500-600 минг бола ўқишга ҳам, ишга ҳам киролмасдан қолар экан. Бу ҳар йили шунча миқдордаги ишчи ўринлари яратишга зарурат бор дегани. Агар биз кичик корхоналарни ташкил этиш билан бирга мана шу ёшларни ишга жойлаштириш ва ҳунар ўргатишни йўлга қўйиш узлуксизлигини таъминлай олсак, яъни пишиқ пухта ўйлаб чиқилган механизмни йўлга қўя олсакгина тез

орада қишлоқда ҳақиқий тадбиркорлик тузилмалари шаклланишига йўл очилади.

Республика миқёсида савдо-саноат палатаси томонидан уюштирилган сўровнома орқали социологик илмий-тадқиқот ишларида ЎзБИИТИ кўп мулкчиликка асосланган бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозори сектори тарафидан қишлоқ жойларида социологик изланиш олиб бордилар. 2004 йилнинг июл ойида Самарқанд вилояти қишлоқларида тадбиркорлари билан суҳбат уюштирилиб, 78 та анкета тўлдирилди. Анкеталарни фақат қишлоқ тадбиркорлари бўйича компьютер орқали жамлаб ҳар бир савол бўйича илмий натижалар фоиз тариқасида олинди.

Ўзбекистонда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 68 фоизидан кўпроқ қисми қишлоқ жойларида яшашини эътиборга олиб, шу жойларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаларини ривожлантириш, ўз самарасини бериш аниқланди:

- Қишлоқда етиштирилаётган маҳмулотлар сифатини узоқ вақт бузилишидан сақлай оладиган совутгич – омборхоналар, мева-сабзавотларни қайта ишловчи кичик цехлар ташкил этиш;
- Улардан турли хил шарбатлар ва бошқа консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- Сут ва сут маҳсулотларни қайта ишлаш;
- Озиқ-овқат, қандолатчилик ва макарон маҳсулотларини тайёрлаш;

Ижтимоий ва маиший хизматни йўлга қўйиш мақсадида:

- Трикотаж-тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш;
- Аҳоли эҳтиёжлари учун кир ювиш воситалари тайёрлашни йўлга қўйиш,
- Миллий-бадиий, уй-рўзғор бумлари тайёрлаш;
- Оилалар учун қурилиш материаллари, шунингдек эшик-деразалар, уй-рўзғор буюмлари тайёрлаш;
- Кичик қурилиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш;
- Аҳоли саломатлиги йўлида кичик ва хусусий тадбиркорликка асосланган тиббий хизматларни йўлга қўйиш.

Ушбу чора-тадбирлар айнан қишлоқ жойларда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун асос бўлади, чунки бу соҳанинг кўлами ва тармоғи шу даражада кўп-ки, унинг чегараси аҳоли эҳтиёжининг чегараси сингари кенг ва чексиздир.

Ўтказилган илмий тадқиқот иши аҳолини иш билан таъминлаш ва социал ҳимоялаш юзасидан қуйидаги хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш имконини берди.

1. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қишлоқдаги мавжуд муаммолар тахлил қилиниб чиқилди ва қишлоқ тадбиркорлари орасида

социалистик изланишлар олиб борилди (савол жавоб анкеталари тўлдирилиб) қуйидаги натижалар олинди.

1. Тадбиркорларнинг ўртача ёши 30-45 ёш.
2. Тадбиркорларнинг 40 фоизи эркаклар, 60 фоизи аёлларни ташкил этади.
3. Тадбиркорларнинг маълумоти бўйича 13 фоизи олий, 80 фоизи ўрта махсус, 7 фоизи ўрта маълумот.
4. Тадбиркорларнинг 70 фоизи 3 йил, 20 фоизи 2 йил, 10 фоизи 5 йилдан фаолият кўрсатиб келмоқда.
5. Чет эл миграциясига алоқадор тадбиркорлар қишлоқ шароитида асосан учрамади. Респондент йиғиндиси бўйича фақат 1 фоизни ташкил этди.
6. 30 фоиз тадбиркорлар ўз фирмасини кредит орқали сотиб олган, ўз жамғармасига 20 фоиз тадбиркор фирмасини шакллантирган, 50 фоиз ҳокимият тарафидан ёрдам олиб вужудга келтирилган. Тадбиркорлар иссиқхона, якка тартибдаги (махсидўзлик, гиламчилик, сават тўқиш, Дамас, Нексия русумли автомобилларни арендага олиб) турил хил йўллар билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганлар.
7. Асосан хусусий тадбиркорлик ривожланиши бўйича худудда ҳар бир фирмага ўртача 20-25 ишчи тўғри келар экан.
8. Кичик, хусусий, якка тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ишчи кучи миқдори оила аъзолари сони билан аниқданган.
9. Кичик тадбиркорлик билан асосан 18-25 ёшдаги йигит-қизлар кўпроқ шуғилланиши аниқланган.
10. Келажакдаги режаларингиз деган саволга 80 фоиз тадбиркорлар кичик бизнес билан шуғулланишини, ўзининг ҳозирги ишни давом эттиришини айтган бўлса, 20 фоизи ўз фаолиятини ўзгартириб бошқа иш билан шуғилланиш истагини билдирганлар.
11. Ўрта тадбиркорлик орасидаги 10 фоиз респондентлар ишни давом эттириш истагини билдирганлар, 15 фоиз ўйлаб кўриш ниятида эканлигини, қолган 75 фоиз тадбиркор иш фаолиятини тўхтатишга мажбур эканликларини билдирганлар, чунки кредит олиш муаммолари, солиқлар, кредит ставкаларини юқорилиги уларнинг ишини давом эттиришга тўсиқ бўлаётганлигини билдирганлар.

Респондентлар бўйича олинган умумий натижалар шуни кўрсатдики, тадбиркорликни ривожлантириш қишлоқ шароитида ўзига хос хусусиятларга эга экан.

12. Қишлоқ шароитида маркетинг хизматини ташкил қилиш ҳар бир фирманинг тани ва жони эканлигини ҳисобга олиб қишлоқ тадбиркорларининг қишлоқ шароитида маркетинг бошқарувини ташкил этишдаги муаммоларини хал қилиш йўллари ишлаб чиқилди ва чизма орқали корхоналарнинг маркетинг фаолиятини бошқариш тузилмаси асослаб берилди.

13. Вилоятлар статистика бошқармалар томонидан аграр секторда 1999, 2000,2005 йилларда ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалигидан бўшаб чиқадиган ишчи кучи миқдори хисоблаб чиқилди. У аграр меҳнат бозоридаги 2000-2005 йилларда кутиладиган талаб ва таклиф ҳамда янги иш жойларини ташкил қилиш бўйича тадбиркорликни ривожлантириш йўл йўриқлари ишлаб чиқиш имконини берди.

14. Ишга жойлаштириш зарур бўлган қишлоқ аҳолисининг 2001-2004 йилларда кутиладиган ишсизлар миқдори аниқланди.

15. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил қилиш орқали янги иш жойлари яратиш алгоритми (вилоят, туман) қишлоқ кенгашлари учун ишлаб чиқилди ва шу алгоритм орқали республика қишлоқларида тадбиркорликни ривожлантириш ва 2000-2010 йилда янги иш жойларини ташкил қилиш имконияти хисоблаб чиқилди.

Бундан 1000 дан 13000 кишига мўлжалланган аҳоли пунктларидан бошлаб ҳар бир фермер хўжалигини қамраб олган (атрофдаги) аҳоли сони ҳисобига олинган, ҳар бир 1000 киши аҳоли ҳисобига зарур бўлган ширкатлар сони, кичик, ўрта ва шахсий бизнес корхоналари, индивидуал ишлаб чиқариш объектлари ва уларнинг фаолияти учун керакли бўлган ишчи ўринларининг оптимал вариантлари ишлаб чиқилган.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш хажмларини ва майда қайта ишловчи корхоналар тизимини кенгайтириш орқали бўшатилаётган меҳнат ресурсларининг бир қисмини шу соҳага жалб этган. Бунда ҳар бир 1000 киши аҳоли ҳисобига пойабзал тузатиш устахоналари, сартарошхоналар, маиший хизматлар, лицейлар, клублар, хаммом, болалар боғчалари, мактаблар, шифохоналар, поликлиника ва бошқа шу каби ижтимоий инфратузилма объектлари сони аниқланган.

Хисоб-китобларга кўра деҳқон хўжаликлари томонидан 2005 йилда 794,98 минг тонна дон, 540,9 минг тонна картошка, 2739 минг тонна сабзавот, 514,8 минг тонна мева, 257,86 минг тонна узум, 4464,6 минг тонна сут, 1016 минг тоннна гўшт маҳсулотлари етиштирилиши кутилади. Бу дегани республикамизда юқоридаги маҳсулотларни 88 фоиздан ортиқ миқдори деҳқон хўжаликларида етиштирилади.

1996-2000 йилларда томорқа деҳқон хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар деҳқон бозорларида реализация қилинган. Масалан, томорқа деҳқон хўжалигида ишлаб чиқилган картошка 600 минг тоннани ташкил қилган бўлса, республика бозорларида реализация қилинган миқдори 90 минг тоннадан зиёд эканлиги аниқланган. Сабзавот узум, мева маҳсулотларини 1996-2000 йилларда томорқа деҳқон хўжалигида етиштирилган миқдори 2500 минг тоннага етган ва улардан 700 минг тоннасигина деҳқон бозорларида реализация қилинганлиги аниқланган. Мавжуд маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, республиканинг деҳқон бозорларида асосан деҳқон хўжалиги

маҳсулоти реализация қилинади. Хисоботларимиз бу маҳсулотни хажмини кейинги йилларда кўпайиб боришидан далолат беради. 2005-2010 йилларда жойларда ташкил қилиниши керак бўлган жойларда 400 минг жойга мўлжалланган улгуржи савдо бозорлари ишга тушиши кутилади ва улардан олинадиган бир кунлик даромад 20 млн. сўмни ташкил қилди. Улгуржи савдо бозорларида ўз маҳсулотлари билан қатнашган деҳқон хўжаликлари бир кунда 3000 млн. сўмлик маҳсулот сотиб фойда олишлари хисоблаб чиқилган.

Хисоб-китобларимизга кўра республикамиз деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган сутни 1/3 қисми 1 литр 120 сўмдан сотиб олинган тақдирда 2000 зиёд қайта ишлаш корхоналари барпо қилиб, уларда 64680 кишига мўлжалланган янги иш жойлари очиш ва шу корхоналар фаолиятидан 73856 млн. сўм фойда олиш мумкинлиги хисоблаб чиқилди.

Деҳқон хўжалигидан етиштириб кичик қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилган сабзавот, мева, узум маҳсулотларидан 130662,3 млн. сўм фойда олиб 112630 киши учун янги иш жойлари очиш имконияти борлиги хисоблаб чиқилди.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш республикамизда иш билан бандлик муаммоларини ижобий ҳал этишга, аҳолининг иш билан самарали бандлигини таъминлаш ва бунинг натижасида уларнинг даромадларини ошириш учун имкониятлар яратди.

16. Деҳқон, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар кредит олиши осонлашиши учун меҳнат бозорини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғармасининг маблағларидан фойдаланишига ҳуқуқий асос бўладиган меъёрий ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Иш билан таъминлаш жамғармасининг маблағлари ва ҳаражатларидан фойдаланишдаги айрим камчиликлар аниқланди ва қишлоқ меҳнат бозорида мувозанатни сақлашга қаратилган омиллар тизимини яхшилаш учун иш билан таъминлаш жамғармаси харажатлари таркибининг қуйидаги ўзгартиришларини тавсия қиламиз.

16.1. Маъмурий хужжатларни қисқартириш.

16.2. Иш билан таъминлаш жамғармасининг ҳаражатларини қайта кўриб чиқиб, янги иш жойлари очишга кўпроқ улушини қаратиш.

16.3. Бандлик жамғармаси маблағларининг янги иш жойларини ташкил қилишга ажратиладиган миқдорини 10 фоизгача кўпайтириш.

16.4. Иш билан таъминлаш жамғармаси ҳар бир туманда ўзининг маблағини кўпайтириш йўлларини топиши керак, масалан, қимматли қоғозлар билан бажариладиган операциялар орқали. Буни биржа қошидаги кичик корхоналар ва бошқа йўллар билан амалга ошириш мумкин. Иш билан таъминлаш жамғармаси орқали тадбиркорликни ривожлантириб 7071 янги иш жойлари ташкил қилинган, бу жуда оз миқдор ҳисобланади. Тадбиркорликни ривожлантиришда меҳнат биржалари қошидаги иш билан таъминлаш жамғармаси катта рол ўйнаши мумкин. Бунинг учун улар тадбиркорларга

кредит бериши мақсадга мувофиқ. Чунки, жамғарма орқали деҳқон, фермер, тадбиркор кредит олиши осонлашади. Зеро, тижорат банклари билан катта битимлар тузиб кредит линияларини очиш ва микрокредитларни имтиёзли фоиз ставкалари орқали беришни йўлга қўйишни тақозо қилади.

16.5. Юқорида айтиб ўтилга қишлоқ шароитига мос ва қулай кредит линияларидан фойдаланишнинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги роли очиб берилди. Келажакда микрокредитлар дастурини қишлоқ шароитига мослаб ишлаб чиқилди ва жорий этиш йўллари кўрсатиб бериш ўта долзарб масалалардан бири эканлигини қайд этмоқ лозимдир.

Юқорида кўрсатилган дастурлар, йўриқномалар, тахлиллар иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш орқали янги иш жойларини ташкил қилиш ва уларнинг бошқа хўжалик юритувчи субъекталари билан иқтисодий муносабатларининг услубий асосларини ишлаб чиқиш орқали аҳолининг фаровонлигини ошириш имконини беради.

5. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг маблағларидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун фойдаланишни такомиллаштириш

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини молиялаш ва меҳнат органларининг самарали фаолият кўрсатиши учун иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси тузилади.

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси бюджетдан ташқари жамғарма хисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қуйидагилар хисобидан ҳосил этилади:

-корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнатга хақ тўлаш фондидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдордаги мажбурий ажратмалари, бу харажатларни маҳсулот таннархига қўшиш шарти билан (мазкур хат боши Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги Қонуни билан тасдиқланган таҳрирда баён этилган);

-республика ва маҳаллий бюджетлар маблағларидан тегишли бюджетларни шакллантириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат хокимияти органлари томонидан белгиданадиган миқдордаги дотациялар;

-қонун хужжатларида назарда тутилган талабларни бузилганлик учун маҳаллий меҳнат органлари томонидан солинадиган жарима ва хисоблаб чиқариладиган пенялар суммаси;

-жисмоний ва юридик шахсларнинг қўшимча ва янги иш жойларини яратиш иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларидан шартнома асосида фойдаланганидан келган даромадлар;

-жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;

-қонун хужжатларига мувофиқ бошқа тушумлари;

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ажратмалари ҳисобига ҳосил этиладиган иш таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларининг етмиш фоизи кейинчалик уларни туманлар ва шаҳарлар ўртасида қайта тақсимлаш шарти билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат органларининг тасарруфида қолади, ўттиз фоизи эса республика миқёсида марказлаштирилади.

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги тегишли республика, худудий ва бошқа маҳсус дастурларга мувофиқ белгиланади.

Иш билан таъминлаш сиёсатини молиялаштириш, ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаларига оид халқаро ҳуқуқий асослар Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг бир қатор конвенция ва тавсияларида, жумладан 1934 йилдаги «Ишсизликдан суғурталаниш ва ишсиз шахсларга кўрсатиладиган ёрдам турлари тўғрисида»ги 44-сонли тавсияларида ўз аксини топган.

Кўпгина мамлакатларда ишсизликни суғурталаш жамғармалари маблағларидан, нафақат ишсизлик нафақасини тўлаш учун, балки шу билан бирга иш билан таъминлаш борасидаги фаол сиёсатни амалга оширишда қуйидаги мақсадларда:

1) иқтисодий сабабларга кўра қисқартирилган иш хафтасига ўтган ходимларга тўлиқ иш ҳақини тўлаш;

2) ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлашни ташкил этиш ва рағбатлантириш;

3) ишсиз шахслар томонидан ўз ишларини (тадбиркорликни) ташкил этишида ёрдам кўрсатиш;

4) ишсиз шахсларни муддатидан олдин пенсияга чиқариш, вақтинчалик иш билан таъминлаш, ишсиз шахсларни ишга ёллаётган тадбиркорларга субсидиялар бериш каби маҳсус дастурларни қисман ёки тўлиқ молиялаштириш учун ҳам фойдаланилади.

Бозор иқтисодиёти шаклланган мамлакатларда иш билан таъминлашга кўмаклашиш тадбирларини молиялаштириш икки йўналишда ривожланган.

Биринчи йўналиш – ишсизликни суғурталашнинг давлат томонидан бошқарилиши.

Германия ва Италияда тегишли давлат бошқаруви органларининг иш билан таъминлаш борасидаги ишида иш берувчилар ва ходимларнинг вакиллари ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эгалар.

Буюк Британия, Швеция ва Финляндияда ходимлар вакилларидан иборат маҳсус маслаҳат қўмиталари ташкил этилган бўлиб, улар ишсизларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш жамғармаларининг бошқарувчи давлат органлари билан фаол хамкорликни амалга оширадилар.

Иккинчи йўналиш – ишсизликни суғурталашнинг жамоат ташкилоти масалан, касаба уюшмалари томонидан бошқарилиши. Бу йўналиш ишсизликни ихтиёрий равишда суғурталаниш анъанаси асосида ташкил топган ва хозирги вақтда Швеция, Финляндия ва бошқа бир қатор мамлакатларда мавжуд.

Кўпчилик иқтисодий ривожланган мамлакатларда ишсизликни суғурталаш жамғармаларнинг маблағлари иш берувчилар ва ходимлар томонидан тўланадиган суғурта бадаллари хисобига шаклланади. Турли мамалакатларда суғурта бадалларини тўлашдаги иш берувчилар ва ходимлар улуши ҳар хил. Германияда иш берувчилар ва ходимлар, тегишли равишда иш ҳақи жамғармасидан ва иш ҳақидан 2,15 фоиз миқдорида, яъни баравар улушда суғурта бадаллрини тўлайдилар.

Республика аҳолисига нисбатан 2000 йилда қишлоқ аҳолисининг улуши 62,8 фоизга етди. Қишлоқда аҳоли улуши даражаси ҳам шаҳарга нисбатан тез суръатлар билан ўсмоқда. (1,9 фоиз ва 0,7 фоиз)

Оҳирги йилларда ноишлаб чиқаришда меҳнат ресурсларининг бандлиги ошиб бормоқда. Бандлик даражаси 2000 йилда саноатда 3,6 фоиз, транспорт ва алоқа бўйича-2,5 фоизга, савдо ва умумий овқатланишда-2,5 фоизга ошган бўлса, қишлоқ хўжалигида атиги 1 фоизни ташкил қилди. 2000 йилда умумий банд аҳоли сонинг 38 фоиз қишлоқ хўжалигига тўғри келди. Бундай тенденция 2001-2004 йилларда ҳам сақланиб қолди.

2000 йилда қишлоқ хўжалигида 385 минг янги иш жойлари ташкил қилинди ва улардан 38 фоиз савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келди. бўйича. Қишлоқ шароитида бандлик ва меҳнат бозорининг шаклланиши вилоятлар бўйича ўзининг экологик, ҳудудий, иқлимий, иқтисодий-ижтимоий демографик хусусиятларига эга бўлганлиги туфайли уларнинг ҳар бирига хос бандлик ва меҳнат ресурсларини тақсимланишига олиб келади. Бу эса ишчи кучига талаб таклифнинг ўзгариши ва бошқа омиллар орқали фарқ қилишини тақозо қилмоқда. Меҳнат ресурслари ва уларнинг бандлилиги вилоятлар бўйича қуйидаги жадвалда келтирилган (5.6-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, баъзи худудларда иш қидираётганлар улуши меҳнат ресурслари улушидан юқорироқ рақамни (Қорақалпоғистон, Навои вилояти) ташкил қилмоқда. Тошкент, Андижон, Бухоро ва Фарғона вилоятларида бундай кескин ўзгариш кузатилмаган. Жадвал кўрсаткичларининг тахлили, ҳар бир вилоятга, иш билан таъминлаш жамғармаси ва бошқа фондларни тақсимлашда ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш зарур. Қишлоқ шароитида фақат вилоят миқиёсидагина эмас, балки туман ва қишлоқлар ҳам бир биридан кескин фарқ қилиши тахлиллар натижасида намоён бўлди.

5.6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси миқёсида вилоятларнинг аҳоли, меҳнат заҳиралари ва бандлиги бўйича тутган ўрни (2004 йил бошига).

(минг киши)

Вилоятлар	Вилоятларнинг улуши (фоиз ҳисобида 2004 йил бошига)				
	Аҳоли-нинг сони	Меҳнат ресурслари	Иқтисодда банд бўлганлар	Меҳнат биржаларида рўйхатга олинганлар	Ишсизлик бўйича нафақа олаётганлар
Ўзбекистон	25564,7	13597,0	2598,0	36,9	17,9
Қорақалпоғистон	1555,7	819,5	509,4	5,9	5,1
Андижон	2294,9	1239,2	892,3	1,6	0,7
Бухоро	1481,3	815,5	627,0	0,9	0,4
Жиззах	1025,3	520,9	312,4	0,6	0,4
Қашқадарё	2315,3	1161,6	770,5	1,8	1,0
Навои	802,0	432,9	354,5	2,2	1,5
Наманган	2027,5	1059,9	652,6	3,0	61,7
Самарқанд	2807,0	1436,8	981,6	3,6	1,5
Сурхондарё	1849,2	914,1	611,1	2,0	0,7
Сирдарё	666,3	357,4	264,9	1,0	0,7
Тошкент	2420,4	1334,8	952,8	1,0	0,7
Фарғона	2782,1	1456,4	1095,3	2,1	0,5
Хоразм	1405,7	731,6	490,4	7,6	2,8
Тошкент шаҳри	2137,0	1315,4	1074,2	3,6	0,2

Манба: Социально-экономическое положении Республики Узбекитон за 2003 год. Т.: Госкомстат Р Уз. 2004. – 182-183 бетлар

2003 йилда меҳнат биржалари орқали 36,9 минг киши ишсиз деб рўйҳатга олинган, бу 2000 йил бошига нисбатан атиги 9,5 фоизни ташкил қилади. Қишлоқ шароитида энг кўп биржаларга Самарқанд (3,6 минг), Хоразм (7,6 минг), Наманган (3,0 минг) вилоятлари бўйича ва Қорақалпоғистонда (5,9 минг), Тошкент шаҳрида (3,6 минг нафар) ишсиз фуқаро мурожат этганлиги аниқланган.

Юқоридаги тахлилилардан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорида ижобий мувозанатни сақлаш учун хар бир худудга қўйидаги омиллар орқали баҳо берилиши зарур ва шунга қараб давлат тарафдан меҳнат бозорини бошқарув тизимини такомиллаштириш керак деб ўйлаймиз.

Биз Ушбу ҳолатнинг сабабларини аниқлаш учун 25 омиллар бўйича социологик изланиш олиб бордик ва савол жавоб анкеталарини тўлдириш

натижасида (туман биржаларида ва қишлоқ фуқаролар йиғинларидан) айрим хулосаларга келдик.

Иш билан таъминлаш масаласини туман ёки вилоят бўйича ечиш учун давлат тарафдан бошқарувни илмий асосланган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу борада тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналарини, айниқса оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш жойларини ташкил қилиш қишлоқда долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Меҳнат бозорини давлат тарафдан бошқаришда, иш билан таъминлаш жамғармасининг роли катта. Иш билан таъминлаш жамғармаси янги иш жойларини ташкил қилиш, ўқитиш, қайта ўқитиш масалаларини худудда ҳал қилиш хусусиятига эга. Иш билан таъминлаш жамғармасининг харакат дастурининг қишлоқдаги ҳозирги йўналиши таҳлили шуни кўрсатдики, харажатларнинг 10,4 фоизи биржа ходимларини эҳтиёжларига сарфланар экан, самарали ҳаражатлар Бизнес фонд орқали амалга оширилади (5,4 фоиз) ва 46,9 фоиз фонд жамғармаси бюджет тақчиллигини беркитишга сарфланар экан. Бундан ташқари, жамғарманинг 70% миқдори ҳар бир худудда, маҳаллий бошқарув органлари қўлида қолиши қайд қилинган. Меҳнат бозорини бошқариш ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида туман ёки вилоятда иш билан таъминлаш жамғармасининг ҳаражатлар таркибини ўзгартириш ва янги кредит линияларини очишга қаратиш яхши натижа бериши мумкинлиги тахлиллар орқали аниқланди.

Биз иш билан таъминлаш жамғармаси ҳаражатлар таркибини қуйидаги йўналишда ўзгартиришни тавсия қиламиз.

1. Маъмурий хужжатларни қисқартириш.
2. Иш билан таъминлаш жамғармасининг ҳаржатларини қайта кўриб чиқиб, янги иш жойлари очишга кўпроқ улушини қаратиш.
3. Бизнес фондга янги иш жойларини ташкил қилишга ажратиладиган миқдорини 10 фоизгача кўпайтириш.
4. Иш билан таъминлаш жамғармаси ҳар бир туманда ўзини маблағини кўпайтириш йўлларини топиши керак. Масалан, қимматли қоғозлар билан бажариладиган операциялар орқали, Биржа қошида кичик корхоналар очиш орқали ва бошқалар. Иш билан таъминлаш жамғармаси орқали тадбиркорликни ривожлантиришда меҳнат биржалари қошидаги иш билан таъминлаш жамғармаси катта рол ўйнаши мумкин. Бунинг учун улар тадбиркорларга кредит олишга кўмаклашиши мақсадга мувофиқ, жамғарма орқали деҳқон, фермер, тадбиркорларнинг кредит олиши осонлашади, чунки тижорат банклар билан катта битимлар тузиб кредит линиялари очиш ва микрокредитлар имтиёзли фоиз ставкалари орқали уюштириш ҳуқуқига эга.

Бу ишларни амалга оширишда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланадиган шахсларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб ўйлаймиз.

Мундарижа

1. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ омиллари ва уларнинг таснифи
2. Оила хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш орқали фаровонликни ошириш масалалари
3. Оила хўаликлари фаровонлигини ошириш ва ишсизликни камайтиришга қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантириш орқали эришиш имкониятлари
4. Қишлоқ жойларда оила хўжаликлари фаровонлигини ошириш учун тадбиркорликни ривожлантириш ва ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш масалалари
5. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг маблағларидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун фойдаланишни такомиллаштириш

Мазкур кўрсатма нусха кўпайтириш қурилмасида чоп қилинди.
Манзил: Самарканд ш. Амир Темур кўчаси, 9 уй.
Адади 100 нусха. Ҳажми 3,0 б.т.